

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

«АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР»

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

55141102 – ўзбек адабиёти магистратура мутахассилиги

Тузувчи: И.Дильманов

НУКУС-2010

Мавзу: «Энг қадимги даврдан XIV асргача бўлган ёзма адабиёт ва фольклор».

Режа:

1. Тарихий воқелик ва халқ оғзаки ижоди.
2. Афсона-тарих ва ёзма адабиёт.
3. «Авесто» фольклор.

Таянч сўз ва иборалар:

«Халқ оғзаки ижоди», фольклор, томоша санъати, халқ уйинлари, бахшилар, эртакчилар, масхарабозлар, қизикчилар, ҳаёт ва илоҳиёт, халқ фалсафаси, зардуштийлик, зорастризм, вендидод, ясна, яшт.

Фольклоршуносликда «халқ ижоди» атамасининг моҳияти ва бу тушунчанинг маъноси ҳақида турли хил фикрлар билдирилган бўлса-да, халқ ижодиётининг ўзига хос табиати ва етакчи хоссалари тўла очиб берилган эмас. «Халқ ижоди» (фольклор) тушунчаси халқ оммасининг бадиий ижодий амалий ва хаваскорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор), халқ мусикаси (мусика фольклори), халқ театри (томоша санъати), халқ уйинлари (рақс), кўғирчоқбозлик, дор ва ёғочоёқ санъати (халқ цирки), халқ тасвирий ва техникавий хаваскорлик каби ижодиёт турларини ўз ичига қамраб олади. Халқ ижодиётининг бу каби турлари яратилиши, ижро этилиши ва амалга оширилиш жиҳатидан кўпчиликнинг (жамоанинг) иштироки билан юзага чиқадиган бадиий иқтидор намунасидир. Фольклор халқнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий меҳнат даражасига мос равишда шаклланиб, отадан ўғилга, устоздан шогирдга, авлоддан авлодга ўтиб, сайқаллашиб, мукаммаллашиб, тобора анъанавийлашиб борган ва ниҳоят, касбийлик (профессиналик) касб этган ҳамда жонли ижро шароитлари орқали бизгача етиб келган.

(Фольклор ингл. «**халқ донолиги**», «халқ донишмандлиги». Биринчи марта 1846 йилда Вильям Томс томонидан муомалага киритилган). Халқ оғзаки ижодиёти профессионал санъатнинг юзага келиши ва ривожига катта ўрин тутди. Ўз навбатида профессионал ҳам халқ ижоди ривожига таъсир кўрсатиб, уни бойитиб келмоқда.

Ёзувнинг юзага келиши натижасида фольклор билан тарихан боғлиқ адабиёт ҳам пайдо бўлди. Бадиий матннинг айрим ижодкор (шоир, ёзувчи, драматург) ижодий фаолияти билан олинган ижод намунаси сифатида ёзув билан мустахкамланиши адабиётнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, унинг юзага келиши инсоният бадиий тафаккури тараққиётидаги ўзига хос бурилиш нуктасидир. Адабиёт ўзининг тараққиёти давомида фольклордан деярли барча эстетик тушунчалар ва бадиий шакллари ўзлаштириб олганлигига қармай, ўзига хос бадиий қонуниятлар асосида мустақил равишда ривожлана борди. Сўз санъатининг мустақил тури сифатида фольклор адабиёт билан биргаликда ёнма-ён равишда яшашда давом этди. Чунки адабиёт ҳаётни тасвирлашда ва инсон қалбини забт этишда улкан бадиий топилдиқларга эришганлиги, бадиий тафаккурни ниҳоятда олға силжитганлигига қарамай, кишилиқ жамиятининг умумий эстетик талаби ва эҳтиёжи арслар давомида фақат адабиёт билангина эмас, балки фольклор билан ҳам мустахкам боғлиқ бўлиб қолди. Сўз санъати бу икки турнинг мустақил ривожига, фольклор ва адабиёт асарлари яратилган ижтимоий муҳитдаги фарқлар, ижодий жараённинг хилма-хиллиги уларнинг ўзларига хос хусусиятларини янада кучайтирди. Натижада фольклор ва адабиёт сўзларига хос муайян эстетик тизим, жанрлар таркиби, бадиий хусусиятларга эга бўлган сўз санъатининг мустақил икки тури - оғзаки ҳамда ёзма тури сифатида шаклланди ва ривожланди.

Фольклорнинг асосий хусусияти ижодий жараён-яратувчилик ва ижрочилик жараёнининг оғзакилиги ва унга кўпчилиكنинг иштирок(жамоавийлик)и билан белгиланади. Унинг анъанавийлик, омавийлик, ўзгарувчанлик, вариантилик, анонимлик белгилари фольклорга хос. Фольклор анъанавий услуб унсурлари асосида юзага келди, у муайян эшитувчилар гуруҳига мўлжалланган ва халқ оммаси томонидан эътироф этилгандагина ижтимоий ва тарихий аҳамият касб этади.

Жонли оғзаки анъана доирасидаги бадихагўйлик фольклор асарларининг кўп варианларда тарқалишига олиб келди. Фольклорнинг деярли барча жанрлари турлитуман ижодкорлар фаолияти билан боғлиқдир. Айрим жанрлар(топишмоқ, мақол) оммавий характерга эга бўлса, яъни уларнинг намуналаридан ҳар бир киши озми-кўпми айта олса, бошқаларининг (достон, оғзаки драма) ижроси муайян тайёргарликни талаб қилган. Ўзбек фольклорида ижодкор ва ижрочи (бахши, эртақчи, аскиябоз, қизикчи, дорбоз) ларнинг касбий маҳорати низоҳатда ривожланган.

Кўшиқ, мақол, топшмоқ, афсона, ривоят, лоф, латифа, эртақ, дотон, аския, оғзаки драма ва бошқалар фольклорнинг асосий жанрлари бўлиб, улар сўз санъати намуналари бўлиши билан бирга муайян бир ижтимоий-маиший функцияни ҳам адо этадилар. Масалан, халқ кўшиқлари меҳнат жараёнларига алоқадор бўлса, ёр-ёр, улан, лапар, келин салом, йиғи-йўқловлар туй ва мотам маросимлари билан боғлиқдир. Фольклор жанрлари ғоявий-бадий хусусиятлари билан эмас, балки ижро усуллари (якка ижрочилик, жамоавий ижрочилик, созли, созсиз) жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиладилар. Уларнинг бири куйлаш учун, иккинчиси айтиб бериш, ҳикоя қилиш учун, бошқаси кўрсатиш, намойиш этиш учун ёки ҳам куйлаш, ҳам уйнаш, ҳам айтиш учун мўлжалланган бўлади.

Фольклор жанрлари ижтимоий-иқтисодий ва мададаний тараққиёт билан узвий боғлиқ. Шу сабабли халқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришларга кўра, улар ҳам ўзгара борган. Фольклор жанрларининг стадиял тараққиёти ва тарихий типологик нуқтаи назаридан қараганда, энг қадимги даврларда кўпчилик халқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, айтимлар, олқиш ва қарғишлар, мавсум-маросим фольклори намуналари, меҳнат кўшиқлари, топшмоқ ва мақоллар кенг тарқалган. Кейинги даврларда эса, эртақлар, эпоснинг архаик шакллари юзага келган. Патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва илк давлатларнинг шаклланиши даврида қаҳрамонлик достонлар яратилган, кейинроқ романтик эпос, лирик ва тарихий кўшиқлар, оғзаки драма, латифа ва лофлар пайдо бўлган.

Ўзбек фольклорининг қадимги намуналари асл холида тўла равишда бизгача етиб келмаган. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг қадимги намуналари меҳнат мавсум-маросим кўшиқларидир. Улар кўшиқ яратувчиларни амалий фаолияти-овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик билан бевосита боғланган ва меҳнаткаш омманинг қадимий урф-одатлари, хилма-хил маросимлари ва эътиқодлари негизида яшаб келган. Меҳнат кўшиқлари турли меҳнат жараёнлари билан боғлиқ. Масалан, хирмон янчишда «хўп майда», «майдагул» сигир, қуй, эчкиларни соғиш, ер хайдаш, ўрим, чарх йигириш ва бўз тўқиш жараёнларида махсус кўшиқлар айтилган. Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, турли-туман иримлар, урф одатлар, мавсумий юмушлар, маросимлар ва байрамлар билан боғлиқ равишда жуда кўп фольклор намуналари яратилган.

Халқ бадий ижодининг каттагина қисмини лирик ва сатирик кўшиқлар, термалар ташкил этади. Лирик кўшиқларда ишк-мухаббат, оила, ижтимоий ва маиший ҳаёт ходисалари кенг ёритилса, сатирик кўшиқларда жамиятдаги салбий ходисалар, айрим ножўя ишлар танқид қилинади. Кўшиқлар дилраболиги, ёқимли оханги, тўқ қофиялари, образлилик, тасвирий усул ва воситаларининг хилма-хиллиги билан инсон руҳияти ғоятда теран акс эттиради. Муҳим ғоявий эстетик вазифани утайди. Ўзбек фольклорининг энг оммавий жанрлари мақоллар, топшмоқлар. Халқимизнинг асрий

тажрибалари панд-насихатлари ўзида ифодалаган мақоллар ҳажман қисқа, бироқ кенг маъноли образли нутқ мевасидир. Топишмоқ: Турт оёқли темир туёқли (от).

Афсона ва ривоятлар, нақл, латифа ва лофлар, эртақлар ўзбек фольклорининг насрий жанрларидир. Хабар, ахборот бериш тарзидаги ҳаёлий уйдирмаларга асосланган қисқа сюжетли баёний ҳикоялар афсоналарни ташкил этади. Ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялар.

Қачонлардир бўлиб ўтган ёки бўлганлигига ишонишган воқеа ва ҳодисалар, тарихий шахсларнинг у ёки бу ишлари ҳақида хабар берувчи баён тарзидаги қисқа сюжетли ҳикоялар ривоятлар ҳисобланади. Ривоятлар сюжет тузилиши, баёний тарзи, ахборот бериш хусусиятлари билан афсоналарга ўхшамайди.

Ўзбек фольклорида халқ фалсафаси ва донишмандлигини намоён этувчи нақллар, закийлик, фасоҳатга бойлиги, ҳазил мутойиба ҳажвий йўналиш билан ажралиб турувчи аския ва латифалар, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида бўрттириб, ошириб сўзлаш, муболағали қиёслаш санъати орқали яратиладиган лофлар ҳам алоҳида жанрлар сифатида катта ўрин тутди. Анъанавий халқ театрининг асоси бўлган, ранг-баранг жанрлари билан ажралиб турувчи бутун бошли адабий тур оғзаки драматургиянинг мавжудлиги ва унинг 500 дан ортиқ пьесаларини ёзиб олинганлиги ҳам ўзбек фольклорининг турлари ва жанрлари бойлигини кўрсатади.

Фольклор жанрлар орасида эртақлар алоҳида мавқеига эга улар ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар асосида қурилган, ҳақиқат ва ёлғонни ажойиб бир тарзда ўзида уйғунлаштирган нодир эстетик ҳодисадир. Эртақлар ғоявий тематик ва бадий хусусиятлари жиҳатидан хайвонлар ҳақидаги, сеҳрли, маиший эртақлар каби турларга бўлинади. Бу турлар образлар талқини, конфликт, сюжет, композиция, фантастик уйдирмаларнинг ўрни ва функцияси, тил ва услуби жиҳати билан бир-биридан фарқ қиладилар.

1. Хайвонлар ҳақидаги эртақлар: «Чулоқ бўри», «Меҳригиё», «Кўк кучқор», «Оккуш», «Айиқ полвон», «Илон пари», «Бўри қиз», «Бўри билан тулки», «Тулкиннинг тақсимоли».
2. Сеҳрли эртақлар: «Дев Сафид», «Ялмоғиз», «Семург», «Кенжа ботир», «Ёрилтош», «Гуликахка».
3. Маиший эртақлар: «Зиёд ботир», «Уч оғайни ботирлар», «Озода чехра», «Тохир ва Зухра», «Аёз», «Авом фолчи».

Маиший эртақларнинг асосий қисмини ҳажвий эртақ ташкил қилади:

Ўткир сатира ва хушчақчақ юмор: «Қози билан камбағал», «Тухматчилар жазоси», «Икки мулла», «Икки ўжар», «Уч ёлғонда қирқ ёлғон», «Бой билан кал».

Ўзбек фольклорининг энг йирик жанрларидан бири дostonлардир. Ўзбек халқ бахшиларидан 150 дан кўпроқ сюжетга бўлинган 400 дан ортиқ дoston ёзиб олинган.

Қаҳрамонлик, тарихий, романтик, мумтоз адабиётнинг дostonчиликка таъсири баракали бўлди. Бу жараён XVII асрдан янада кучайди. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари ўзбек фольклори тараққиётида алоҳида босқич бўлди. Замоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий масаларини акс эттирувчи лирик ва эпик асарлар яратилди, тарихий қўшиқлар жанрининг янги намуналари юзага келди.

Анъанавий фольклорнинг жонли ижроси совет даврида ҳам давом этди. Юзлаб бахшилар, эртақчилар, қизиқчи ва масҳарабозлар, қўғирчоқбозлар, аскиячилар ижро этган асарлар ёзиб олинди, улар орасида Фозил Йўлдош, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пулкан, Ислон шоир каби санъаткорлар мавжуд.

Адабиётлар:

1. Н.Маллаев. Халқ оғзаки ижоди. «Фан». Т. 1972 й.
2. Н.Маллаев. Шохнома ва ўзбек адабиёти. «Фан». Т. 1970й.
3. Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи». Т. 1976 й.
4. Х.Т.Зарифов. Халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёти. «Шарк юлдузи»,3-сон. 1946.
5. Х.Хамидов. Авесто ва маданият. Т. 2001 й.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек халқ бадиий ижоди ва фольклор леганда нимани тушунаси?
2. Халқ оғзаки ижоди ва адабиётнинг ўзига хос белгилари нимада?
3. Адабиёт ва фольклорнинг ўзаро алоқалари?
4. Фольклорнинг ижтимоий моҳияти нимада?
5. Адабиёт ва фольклорнинг бир-бирини бойитишдаги ўрни?

Мавзу: XV асрнинг биринчи ярмида адабиёт ва фольклор.

Режа:

1. Атоийнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш маҳорати.
2. Лутфий ижодида фольклор аънаналари.
3. Адабиётда мақол , матал ва халқ қарашлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Мажоз, сўфиёна тимсоллар, лирик девон, нафис байт, матлаъли ғазал, халқ эртаклари, халқ мақоллари, халқ донишмандлиги, халқ кўшиқлари, жўшқинлик, соддалик, равонлик.

Атоийнинг асл ва тўла номи, туғилган ва фот этган йиллари аниқланган эмас.Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, унинг девони ва Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асарида маълумотлар учрайди.

Атоий ҳақида дастлабки маълумот 1927 йилда «Записки коллегии востоковедов» тўпламида рус шарқшунос олими А.Н.Самойлович эълон қилди.Ўзбек адабиётшунослигида А.Фитрат, Х.Заров, Э.Рустамов, Ойбек, Н.Маллаев, Ғ.Ғулом, А.Хайитметов, И.Ҳаққулов каби олимлар тадқиқот мақолаларида маълумотлар учрайди. «Атоий» унинг адабий таҳаллусилир.

Унинг шеърларида фаннинг турли соҳаларга доир хилма-хил маълумотлар, Искандар, Жамшид ва Қайқовус каби унлаб тарихий шахслар, кўпгина бадиий асарлар ва Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Юсуф, Зулайхо, Гул ва Навруз каби қаҳрамонларнинг номини учратамиз .Атоий халқ **поэзияси**ни ,турли хил қиссаларни севиб ўрганди. Атоий коинот ва ҳаётни , инсоф ва унинг шодлигини ўрганди. Баҳор фасли, чаман сахни, гул иси, булбул хониши унга завқ-шавқ бағишлайди.У гузал табиат қуйнида ёри билан бирга бўлишни, ёрнинг висолига ва лутф эҳсонига мушарраф бўлишни истайди. Атоийнинг адабий мероси унинг халқ оғзаки ижоди асарларини яхши билганини, уларни севгани ва ғоявий–бадиий бойликларидан самарали фойдаланганлигини кўрсатади. Айрим ғазалларини бевосита халқ оғзаки ижоди таъсири остида яратди.Ғазалларида шоир халқ эртакларидаги «сув париси» образини яратади, халқ оғзаки ижодидаги сув қизига ишора қилади.Атоий айниқса халқ мақоллари ва халқ таъбирларига катта эътибор бериб, халқ донишмандлигининг иродаси булган мақолларга

мурожаат этиш билан ўз ғазалларининг мазмунини ҳам, тили ва бадийлигини бойитади. Шоир халқ мақолларини айнан келтиради ёки уларнинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини шеърӣ мисраларга мувофиқлаштиради, айрим ғазалларида бир эмас, бир неча мақоллар ишлатади. Атоӣ халқ кўшиқларининг соддалиги равонлиги ва мусиқийлигидан қам илҳомланди ва уни ўрганди. Унинг 260 ғазалидан 109 ғазалининг «Туркий» деб номланган халқ кўшиқлари вазнида яратилиши бунга ёрқин далилдир. Атоӣнинг кўпгана ғазаллари халқ кўшиқларига хос бўлган жўшқинлик, соддалик, равонлик хусуситлари билан ажралиб туради. Шу боис ҳам унинг айрим ғазаллари шу кунга қадар куйга солиниб айтилмоқда.

Атоӣ ўз шеърлари билан китобхонлар ва адабиёт ахиллари ўртасидагина эмас, балки созандалар ва хофизлар ўртасида ҳам шундай шуҳрат қозонди.

XV аср туркий забон адабиётининг тараққиётида Лутфӣй ва унинг адабий мероси катта аҳамиятга эга. Мавлоно Лутфӣй адабий меросини ўрганишда атоқли шарқшунос олим Е.Бертельс, адабиётшунос олимлар Э.Рустамов, Н.Маллаев, С.Эркинов хизматлари катта. Лутфӣй 1366 йилда Хирот шаҳри чеккасидаги Дехиканор деган жойда таваллуд топган. Лутфӣй ҳаёти ва ижодий фаолияти Темурийлар даври адабий-маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Айрим темурийлар ҳукмдорларга атаб бир неча қасида ёзгани маълум. «Гул ва Наврўз» достонини темурийлардан бўлган Искандар мирзога бағишлаган.

Лутфӣй ўз асарларида ҳаёт ва севги, баҳор ва шодликни, вафо ва садоқатни, маърифат ва осойишталикни, мардликни ва баҳодирликни куйлади, халқ оғзаки ижодининг бой чашмаларидан илҳом ва таълим олди, ўзбек адабий тилини халқнинг хилма-хил таъбир, мақол ва маталлари билан бойитди. Хоразмӣй, Сайфи Сароӣй, Хофиз Шерозӣй каби сўз санъаткорларининг анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди. Ўзбек ва форс-тожик тилидаги нодир лирик шеърларидан ташқари, эпик достонлар ҳам яратди. У 1411 йилда «Гул ва Наврўз» ишқӣй-қаҳрамонлик достонини ёзди. Абдурахмон Жомӣй билан ижодий ҳамкорлик қилди. Шунингдек, «Зафарнома» достонини ёзди.

Лутфӣй лирикасининг кучи нимада? Лутфӣй лирикасининг сеҳрловчи кучи унинг дунёвий ҳаётӣйлигида ва юксак санъаткорлик билан яратилганлигидадир. Лутфӣй лирикаси содда, равон ва мусиқӣй, тили бой ва ширали, бадий усул ва воситалари хилма-хил ва оригинал, халқ ижодини самарали таъсири билан камол топган лирикадир. У халқ жонли тилидан, унинг мақол ва таъбирларидан жуда кўп фойдаланиб, ўзбек адабий тилининг гуллаб-яшнашига муносиб хисса қўшди. Хусусан, халқ мақоллари ва таъбирлари унинг шеърларининг мазмунини ҳам, бадийлиги ва тилини ҳам бойитган катта бир манба бўлди.

Шунингдек, Лутфӣй халқ юмори, қарғиши, эркалаши ва бошқаларидан ҳам ўринли фойдаланди :

Лутфӣйни ким қарғади «Ё, раб балoга учра!».

Лутфӣйни унлаб халқ мақоллари ва таъбирларларидан фойдаланиши у яшаган давр адабий ҳаётида жуда катта воқеа эди.

Лутфӣйнинг ишқӣй қаҳрамонлик саргузаштини ёритишга бағишланган. «Гул ва Наврўз» достонида ҳам халқ оғзаки ижодининг бойитишмаларидан баҳраманд бўлади. Буни достоннинг оптимистик руҳи ундаги воқеаларнинг ижобӣй образлар ғалабаси билан тугалланиши, халқнинг осойишталик ва ободончиликка бўлган интилишининг куйланиши, достоннинг бадий хусусиятлари ва тили равшан кўрсатади. Наврўз мавзусининг ўзиёқ халқ ижодига бориб тақалади. Шоир бу мавзунӣ ёритишда халқ достонларининг сюжети ва композициясига монанд ҳаракат қилади. Маълумки, асосӣй воқеа Навшод шоҳи Фаррухнинг угли Наврўз ва Фархор ҳукмдорининг кизи малика Гулнинг севги ошук машукнинг севги саргузаштига бағишланган. Турли хил ёзувчиларни енгиб ғалаба қилган ва ўзаро феодал урушлар офатидан қутқариб марказлашган йирик ҳокимият давлат арбобларидир. Гул, Наврўз, Булбул халқ

асарларидек мажозий характерлидир. Шоир халқ мақоллари ва таъбирлари билан дoston мазмунини ҳам тилини бойитади. Халқ юморидан ҳам илҳомланиб қизик ва оригинал лавҳалар яратди. Тили содда, мисралар равондир. Хазаж баҳрида ёзилган; маснавий йўлида қoфияланган (маснавий дoston дегани).

Мақол—турмуш тажрибалари заминида туғилган ва халқ донолигини ифодалаган қисқа кўпинча шеърий шаклдаги хикматли сўзлар, чуқур маъно иборалардир. Мақол хилма-хил мавзуларда бўлиб, ҳаётнинг турли масалаларини қамраб олади. Кўпинча мақол ўғит насиҳат характерида бўлади.

Ер хайдасанг куз хайда,
Куз хайдамасанг-юз хайда.
Ўзингни эр билсанг,
ўзгани шер бил.

Матал-кучма маънода ишлатилувчи халқ мажозий ибораларнинг бир тури. Масалан; ўхшатиш, киноя, қочирма сўз ва бошқа тил воситалари қўлланилади. Шу хусусиятлари билан матал (поговорка) фикрни бевосита ва содда ифодаловчи мақол (пословица) дан фарқ қилади; Чумчук суйса ҳам қассоб суйсин (ҳар бир ишни устаси қилсин) «Темирни қизигида бос», ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш афзаллиги.

Назорат саволлари:

- 1.Атоий асарларида фольклор анъаналари ?
- 2.Ёзма адабиёт ва фольклор жанрлари?
- 3.Лутфий ижодида фольклорнинг тутган ўрни?
- 4.Адабиётда мақол, матал жанрларининг ўрни ҳақида нималарни биласиз?

Адабиётлар:

1. Н.Маллаев. Ўзбек адабиёт тарихи. «Ўқитувчи». Т. 1976 й.
2. А.Хайитметов. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т. 1991 й.
3. Валихужаев Б. Малик ул калом. Мавлоно Лутфий. Самарканд. 1999 й.
4. Н.Маллаев. Халқ оғзаки ижоди. «Фан». Т. 1972 й.
5. Х.Т.Зарифов. Халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт. «Шарк юлдузи», 3-сон. 1946.

Мавзу:15-аср адабиёти . А. Навоий ва фольклор.

Режа:

1. Навоий шеъриятига фольклор таъсири
2. Туркий тил ва туркий оғзаки ижоди
3. Навоий насрий асарларида фольклор.

Таянч сўз ва иборалар: Халқ поэзияси, афсона, тарих, қисса, эртак, Хайратул-аброр, мезонул.

Халқнинг ижодкорлик даҳосини улуғлаган ва эъзозлаган Навоий халқ поэтик ижодиётига янада кўпроқ эътибор ва аҳамият берар эди. У халқ поэтик ижодиётини ниҳоятда севган, уни қадрлаган, халқ поэзиясининг ранг-баранг бойликларидан ижодий фойдаланган, халқ шеъриятининг айрим тур ва хусусиятларини тадбиқ қилган, тариф ва тавсиф этган.

А.Навоий халқнинг қисса ва эртакларига салафлари ва замондошлари каби катта эътибор берган, улардан баҳраманд бўлган. Халқ поэтик ижодиётига туганмас маънавий ва бадиий хазина деб қараб, унга доим мурожаат қилар, халқ асарларининг сюжет ва

композициясидан, образлар тизими ва санъаткорлик сирларидан ўрганар , илҳом олар эди. Навоий халқ поэтик ижодиётини билмаган ёки менсинмаган халқ шеъриятидан таълим ва баҳра олмаган нозимларни қаттиқ қоралайди, танқид қилади.

Навоий «Туюк» (шеърый шакллардан бири қўшиқ, базмларда тўкиларкан, «Туюк»-туймок феълидан) ва қўшиқ баҳрини, халқ шеъриятини билмаган шоир ҳам , бўш, суёқ «асар» яратишни мумкин деб ҳисоблар ва бундай санъткорлар билан мураса қила олмас эди. Бу Навоий адабий эстетик принципини узвий халқасини ташкил этади. Навоий ва устоз санъаткор А. Жомий халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлиб, уни тарғиб этиб қолмасдан, балки халқ оғзаки ижодининг бойликларини ўзига хос хусусиятларини текширди, илмий асосда ёритди. Бу хусусан «Мезон ул-авзон» га «Вазнлар улчови» таалуклидир. Ушбу асар аруз назариясига ривожга ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга биринчи бўлиб туркий халқлар ва шеъриятидаги арузни тадқиқ этган асар сифатида қимматлидир.

«Мезон ул-авзон», умуман вазн масалаларига бағишланган асар булмай, балки аруз вазнига бағишланган. Халқ шеъриятининг вазни эса бармоқдир. Бинобарин, Навоий халқ шеъриятининг вазн масалаларини кенг ва атрофлича тадқиқ этолмасди. Буни муаллифнинг ўзи алоҳида таъкидлаб айтган эди. Аруз халқ шеъриятига маълум даражада киришиб борган, сингиб қолган эди. Қўшиқларнинг бир неча тури арузда айтилар эди. Навоий «Мезон ул-авзон»да мана шундай қўшиқларни таъриф-тавсиф қилади. Чунончи, Найоий шоирларнинг туюқлари «қўшиқ» ҳақида фикр юритади. Туюқнинг илдизи жуда узок замонларга қадимги халқ ижоди ёдгорликларига бориб тақалади. Туюқнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган туртлик шакли туркий халқлар фольклорининг энг қадимги ва кенг тарқалган турларилан Навоий ҳам туюқлар битган.

Асарда Навоий «Қўшиқ» терминини ҳозирги маънода эмас, балки шеърятнинг бир тури сифатида қўллайди. Демак, «Қўшиқ» термини моҳият эътибори билан турли ўзгаришларни кечиб ўтган. Халқ шеърияти маросим қўшиқларнинг энг қадимий турларидан бўлган «чанги» «ёр-ёр» ҳақида ҳам Навоий ўз асарида айтиб ўтган. Бошқача айтганда ўзбек ёзма шеъриятининг халқ шеърияти хаминила унинг анъаналарини қабул этиб олиш ва такомиллаштириш заминиде вужудга келганини кўрсатувчи омил сифатида муҳимдир. Хуллас, Навоий халқ шеърияти ва халқ куйлари ҳақида жуда қимматли маълумотлар берди, фикр-мулоҳаза юритди. Халқ шеърияти билан ёзма шеърят ўртасидаги алоқага алоҳида эътибор беради, шоирларни халқ ижодиётидан ўрганиш таълим олишга чақиради. Навоий халқ ижодиётидан доимо илҳомланди, ундан файз ва завқ олди, халқ ижодиёти унга катта мактаб сифатида хизмат қилди.

Назорат саволлари:

1. Навоий шеъриятига фольклор таъсири?
2. Туркий тил ва туркий оғзаки ижоди?
3. Навоий насрий асарларида фольклор?

Адабиётлар:

1. Н.Маллаев. Халқ оғзаки ижоди. «Фан». Т. 1972 й.
2. Н. Маллаев. Шохнома ва ўзбек адабиёти. «Фан». Т. 1970 й.
3. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи». Т.1976 й.
4. Х. Т. Зарифов. Халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт. «Шарқ юлдузи», 3-сон. 1946.
5. Х.Хамидов. Авесто ва маънавият. Т. 2001 й.
6. А. Навоий. Бадое ул-васат. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилд. 6-том. Т. 1990 й.

Мавзу: «Хамса» дostonлари ва фольклор анъаналари.

Режа:

- 1.Достон қаҳрамонлари Фарход, Мажнун, Баҳром ва Искандар.
- 2.«Сабъаи сайёр» ҳикояларининг халқ ижодидаги вариантлари.
- 3.Достонга араб эртаклари «Минг бир кеча» нинг таъсири.

Таянч сўз ва иборалар: Шоир-дostonнавис, лирик поэзия, хамсачилик. Халқ афсоналари, эртаклари, кўшиқлар, фалсафа, ахлоқ-одоб, дин, тасаввуф, илоҳиёт.

Хамсачилик якин ва Ўрта Шарк халқлари адабиётида узок ва мураккаб тарихга эга бўлган адабий анъанадир. Бу анъана улуг озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийнинг (1191-1209) адабий фаолияти билан бошланди. Унлаб шоирлар хамса яратган бўлсалар ҳам, фақат уч шоиргина улуг хамсанавис бўлиб, Низомий қаторидан ўрин олишга муяссар бўлди: Улуг ҳинд шоири Хисрав Деҳлавий, форс-тожик шоири А.Жомий ва улуг ўзбек шоири А.Навоийдир.

Навоий «Хамса» ни яратишда тарихий манбалардан ва хусусан халқ оғзаки ижоди бойликларидан: халқ афсоналари, эртаклари, кўшиқлари, мақол ва хикматли сўзлари ҳамда халқ асарларининг бадиий услубидан мохирлик билан фойдаланди.Навоий қисқа бир муддатда икки йилдан зиёдроқ ичида 51 минг мисрадан ортиқ беш дostonни яратди. У 1483 йилда «Хайрат ул аброр» фалсафий таълимий дostonни,1484 йилда «Фарход ва Ширин» ишқий-қаҳрамонлик, «Лайли ва Мажнун» ишқий-романтик дostonини ва «Сабъаи сайёр» ишқий-саргузашт дostonи ҳамда 1485 йилда «Садди Искандарий» қаҳрамонлик дostonини яратди.

«Фарход ва Ширин» севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик дostonидир. Шунингдек, олийжаноблик инсоний фазилатларни, умумбашарий орзу ниятларни тараннум этувчи асардир. Навоий дostonи деярли Фарходнинг туғилишини тасвирлаш билан бошланиб, Фарход вафоти билан тугалланади. Унинг бутун ҳаёти ва кураш йўллари хикоя қилинади. Барча масалалар Фарходнинг ҳаёти ва фаолияти заминида туғилади ёки унга келиб боғланади. Бинобарин, Фарход мукаммал эпик образ даражасига кўтарилади. Бунинг антижасида асар шеърин романга ўхшаб кетади.

Фарход билимли, хунарли, ижодкор киши бўлиб, у илм- хунарни ҳаёт билан боғлайди, аммо манфаатига хизмат эттиришига бел боғлайди. Унинг бошчилигида катта ховуз қазилади, канал очилади (сув муаммоси). Меҳнат ва ижодкорлик марказий масалардан биридир. Шунинг учун ҳам Навоий дostonини иккинчи бир ном билан «Меҳнатнома» деб ҳам атайди. Фарход доимо юртнинг ободонлиги ва халқнинг фаровонлиги учун курашади. Шириннинг юрт Арманистонни ёвуз Ҳисравнинг хужумидан ҳимоя қилади. Фарход ўз юртдан узокда душманнинг макр ва ҳийла тузоғида халок бўлади.

Ўз характери ва фазилатлари билан Фарход қаторидан ўрин олган образ, бу Ширин образидир. Навоий бу образда энг эзгу орзу армонларини тажассум этган.

Қайс (Мажнун) «Лайли ва Мажнун» дostonининг бош қаҳрамони. Самимийлик, истеъдодли шоир ва олийжаноб табиатли бу инсон кекса бир қабила бошлиғинингт ёлғиз ўғли. Лайлининг отасидек худбин ва зуравон кишилар унинг бошига кулфат ва мусибатларни ёғдириб,фожеали ўлимга маҳкум этадилар. Бироқ Қайснинг фожеали ўлими унинг маънавий мағлубияти эмас, чунки у замонасининг вахшиёна қоидаларига тобе бўлмайди, пок севгисидан воз кечмайди. Қайснинг ўлими унинг фожеали ўлимига тақдирга сабаб бўлган муҳитга қарши бир исён эди.Агар Фарходни ошиқ ижодкор,

қаҳрамон ва жанговар курашчи сифатида тасвирлаб, ўзининг орзу идеалларини шу образда мажассамлаштиради, Қайснинг бутун ҳаёти ва фаолияти Лайлига бўлган севгига бағишланган. У севги билан камол топади, севги йўлида жабр-ситам чекади ва шу йўлда фожеали халқ бўлади.(Фожеали севги қиссаси).

Баҳром - «Сабъаи сайёр» достонининг бош қаҳрамони. У шоҳ ва ошиқ, У зиддиятли характерга эга бўлган мураккаб образ. Навоий бу образ қиёфасида бир-бирга қарама-қарши икки шахсни: одил подшоҳ ва вафодор ошиқни, ўз хузур халовати ва давлат ишларидан четлашган ўз эҳтиросларига асир бўлган шухратпараст подшо ва худбин ошиқни тасвирлайди. Биринчи Баҳромни қутлайди, шарафлайди, иккинчи Баҳромни қоралайди, уни фожеали ўлимга маҳкум этади.

Навоийга қадар адабиётда Баҳром Гўрга оид катта ижодий тажриба, адабий анъана тўпланган эди. Навоий буларнинг барчасини мукаммал ўрганиб чиқади, салафларининг ютуқ ва камчиликларини аниқлаб олади, ўз достонининг янги вазифа ва режаларини белгилаб олади. Сосонийлар сулоласида Варахран V деган бир подшо ўтган эди. (Варахран дарий тилида «Баҳром» деб олинган). У гўр-қулон(ёввойи эшак) овига ўч бўлгани учун Баҳром Гўр номи билан шухрат топган эди. Баҳром Гўр ҳақида Эронда ҳам, у билан қўшни бўлган ўлкаларда ҳам турли туман афсона ва ривоятлар пайдо бўлади, у шон-шавкатли подшо, мохир овчи ва шухратпараст киши сифатида тасвир этилади. Афсона ва ривоятлардан ҳамда ёзма манбалардан ижодий фойдаланган А. Фирдавсий «Шохнома» да Баҳром Гўр ҳақида дoston яратади. Бу ёзма адабиётда Баҳром ҳақида ёзилган биринчи дoston эди. Фирдасийдан кейин Низомий дoston яратди. Низомийдан кейин ҳамсачиликнинг анъанавий образига айланиб қолди. Низомийдан кейин Хусрав Дехлавий Баҳром Гўр ҳақида «Хашт беҳишт» («Саккиз жаннат») достонини яратди. Хусрав Дехлавий достонида ҳам Баҳромнинг саргузашлирни тасвирловчи қолипловчи ҳикоя ва етти маликанинг ҳикояси бор.

Навоий ҳам «Хамса» нинг 4-достонини Баҳром мавзуга бағишлайди, салафлари сингари Баҳром ҳикоясини қолипловчи ҳикоя қилиб олиб, унинг ичига ҳафтанинг етти куниде етти тусдаги етти қасрда айтилган етти ҳикояни киритади. У дostonни мукаммал-ишқий саргузашт дoston даражасига кўтаради, янги, оригинал дoston яратади. Баҳром ва Дилорам ҳикоясини деярли янги режада қайтадан ишлаб чиқади, марказий мавзу образларин янгича талқин қилади, янги образларни(Моний ва Чин) киритади, халқ оғзаки ижоди материаллари асосида тамомила янги етти ҳикоя яратади. Бу билан Навоий дostonнинг ғоявий-бадий қимматини ва ҳаётий реалистик моҳиятини янада оширади.

«Сабъаи сайёр» достонидеги Баҳром ва Дилором ҳақидаги ҳикояларига араб эртаклари, хусусан, «Минг бир кеча» эртагининг таъсири яққол сезилиб туради. Чунончи, Баҳром айш суриш учун етти қаср қуриши, етти шохнинг қизига уйланиши, бунинг устига маст-аласт бўлиб, ухлай олмай хотинларидан афсона тинглаши ва шу ҳикоялар туфайли Баҳром яна Дилоромнинг висолига муяссар бўлиши каби эпизодлар шундай дейишимизга асос бўла олади. «Сабъаи сайёр» нинг ғоявий-бадий тўқимасида етти ҳикоясига ниҳоятда кенг ва катта ўрин берилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, «Сабъаи сайёр» Баҳром Гўр ҳақидаги такомиллашган янги ҳикоя ҳамда халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган хилма-хил воқеа ва саргузаштларни, образ ва характерларни ўз ичига олган етти ҳикоядан иборатдир.

Назорат саволлари:

1. Дoston қаҳрамонлари Фарход, Мажнун, Баҳром ва Искандар қандай образлар?
2. «Сабъаи сайёр» ҳикояларининг халқ ижодидаги вариантларини айтиб беринг?
3. Дostonга араб эртаклари «Минг бир кеча» нинг таъсири ҳақида нималарни биласиз?
4. Навоийнинг халқ оғзаки ижоди материаллари асосида ёзган асарларини санаб беринг?

Адабиётлар:

1. Н.Маллаев. Халқ оғзаки ижоди. «Фан». Т. 192 й.
2. Н. Маллаев. Шохнома ва ўзбек адабиёти. «Фан». Т. 1970 й.
3. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи». Т.1976 й.
4. Х. Т. Зарифов. Халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт. «Шарк юлдузи» , 3-сон. 1946
5. Х.Хамидов. Авесто ва маънавият. Т. 2001 й.
6. А. Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилд., 6-том. Т. 1990 й.

Мавзу: Алишер Навоийнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланишдаги маҳорати.

Режа:

1. Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклор
2. Халқ қисса ва эртаклари
3. Туганмас маънавий ва бадиий хазина

Таянч сўз ва иборалар: халқ дили, расм-русумлар, одат, сеҳргарлик, ирим-сирим, фолбин, халқ санъати, наққошлик, уймакорлик, поэтик ижодиёт, халқ шеърляти.

Ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижоди алоқаларини ўрганиш фольклоршунослик ва адабиётшуносликнинг муҳим масаларидан биридир. Бу масалани ёритишда олимлар маълум ютуқларга эришганлар. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ижодига бағишланган барча тадқиқотчиларда фольклор билан ёзма адабиётнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир масаласи маълум ўрин эгаллайди.

Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклор муаммоларининг кўп масалалари улўғ ўзбек шоири ва мутафаккири А.Навоий ижодида мужассамланади. Чунки А Навоий ўзбек мумтоз адабиёти, ўзбек адабий тилининг асосчиси эди. Унинг фаоляти халққа муҳаббат унга хизмат қилиш халқ санъати бойликларини, унинг тилини ардоқлаш ва халқ чашмаларидан ижодий фойдаланишнинг юксак ва ёрқин тимсолидир. Бундай улўғ сиймонинг халқ қалбидан мангу ўрин олиши, унинг олий хурматиға сазовор бўлиш ва халқ ижодига самарали таъсир этиша ҳам табиийдир.

Халқнинг ижодкорлик даҳосини улўғлаган ва эъзозлаган Навоий халқ поэтик ижодиётига янада кўпроқ эътибор ва аҳамият берар эди. У халқ поэтик ижодиётини ниҳоятда севган, уни қадрлаган, ранг-даранг бойликлари билан яқиндан танишган, ундан ижодий фойдаланган, халқ шеърлятининг айрим тур ва хусусиятларини тадқиқ қилган, таъриф ва тавсиф этган.

Чунончи, шоир «**Фарход ва Ширин**» ни яратмоқ учун «афсона» ва «тарих» нинг «поёнсиз баҳри» га шунғиб, ундан «олий кадр дурлар» терган экан. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўтмиш тарих китоблари соф тарихий воқеаларни баён этиб шарҳламаган, балки ривоят ва афсоналарға ҳам кенг ўрин берган, баъзан тарих билан афсона аралашиб, чатишиб кетган, тарих афснадек, афсонатарихдек акс эттирилган.

Навоийнинг «Тарихи мулки ажам» (Ажам шохлари тарихи) асари ҳам шу тахлитдадир. Бинобарин, тарих китоблари айни чоғда, фольклор манбаи ҳамдир. А.Навоий турли ёзма манбалар ва оғзаки баёнот орқали Ўрта Осиё ва умуман Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқларининг жуда кўп афсона, ривоят, асотир(миф), қисса, достон, хикоя, латифа ва бошқа жанрдаги турли-туман асарларини яхши билган ва улардан илҳом олган, кези келганда ижодий фойдаланган. Шоир фожеали севги қиссаси «Лайли ва Мажнун» ни кузатар экан, хотималовчи 38 бобда бу асарни халқ афсоналари асосида яратганини таъкидлайди.

Қисса, афсона, ривоят, эртак халқ поэтик ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бўлиб, кўпгина кишининг узун шундай асарларни тиклаш билан «қисқартирган» лар, хордик чиқариб, таскин топганлар бу жанрлан даврдан даврга ижодий қайта ишланган, бадиха (импровизация) йўли билан турли-туман ўзгаришларга дуч келган. Буларни айтувчилар турли двр ва турли жойларда хилма-хил номлар билан: ровий, қиссахон, қиссапардоз, қиссагўй, чупчакчи, эртакчи, хикоячи деб аталган, уларнинг ижрочилари ҳам, ижодчилари ҳам бўлган. Навоий уларни ровий, хикоячи, қиссапардоз, қиссахон, қиссагўй номлари билан атайти. Лирикасида ҳам, достонларида ҳам уларга мурожаат қилади, айрим асарлар ёки асар қаҳрамонларининг номини зикр этади, халқ ижодининг сеҳловчи хусусиятини таъкидлайди, ўз асарлари билан қиёс этади.

«Сабъаи сайёр» нинг еттинчи хикоясида Кофур уйқусиз Дилоромнинг ундан афсона сўзлашини илтимос қилганини эслайди:

Тунлар уйқудин улса бегона,

Манга дер эрди: «Айт афсона».

Халқ қисса ва эртакларига Навоийнинг салафлари ва замондошлари ҳам катта эътибор берганлар, улардан бахраманд булганлар. Чунончи, Атоийнинг «Қиссасин» радифли шеъри ҳам яққол мисол бўла олади.

А.Навоий халқ поэтик ижодиётига туганмас маънавий ва бадиий хазина деб қараб, унга доимо мурожаат қилар, халқ асарларининг сюжет ва композициясидан, образлар системаси ва санъаткорлик сирлардан ўрганар илҳом олар ва бахраманд бўлар эди. У халқ ижодини севиб, ундан бахраманд бўлган қалам ахилларини доимо кадрлар эди, халқ шериятидан таълим ва баҳра олмаган нозимларни қаттиқ қоралайди, танқид қилади. Навоий ва унинг улуғ замондоши Жомий каби сўз санъаткорларининг эстетик қарашлари ва адабиёт ахилларига раҳбарлик қилиб, истеъдодли шоирларни авайлаб тарбиялаши, жохил ва худбин шоирларни танқид қилиш бадиий адабиёт тараққийи учун бениҳоят катта аҳамиятга эга эди. Халқ поэтик ижодиётига ихлос, муҳаббат уларнинг адабий-эстетик қарашларининг ва узвий ва асосий халқаларидан бири эди. Уларнинг бадиий ижодиёти халқ шеъриятидан таълим ва илҳом олиш ҳамда бахраманд бўлишнинг ёрқин тимсоли эди.

А.Навоий халқ оғзаки ижодидан бахраманд бўлиб, уни тарғиб этиб қолмасдан, балки оғзаки ижодининг бойликларини, ўзига хос хусусиятларини текширди, илмий асосда ёритди.Бу, хусусан, «Мезон ул-авзон» (Вазнлар улчови) га таалуқлидир. Мазкур асар аруз назарияси ривожига ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, биринчи бўлиб туркий халқлар шеъриятидаги арузни тадқиқ этган асар сифатида ғоятда қимматлидар. Шунингдек туюқжанри ҳақида бевосита икки асарида:«Мезон ул-авзон» ва «Муҳокаматул- луғатайн» (Икки тил муҳокамаси) да бу жанрни таъриф ва тавсиф этади.

Назорат саволлари:

1. Достон қаҳрамонлари Фарход, Мажнун ва Баҳром образларини тавсифлаб беринг?
2. «Сабъаи сайёр» хикояларининг халқ ижодидаги вариантлари қандай тарқалган?
3. Достонга араб эртаклари «Минг бир кеча» нинг таъсирини қандай изоҳлайсиз?
4. Халқ қисса ва эртакларига Навоий замондошлари ва салафларининг эътибори?

Адабиётлар:

1. Н.Маллаев. Халқ оғзаки ижоди. «Фан». Т. 192 й.
2. Н. Маллаев. Шохнома ва ўзбек адабиёти. «Фан». Т. 1970 й.
3. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи». Т.1976 й.
4. Х. Т. Зарифов. Халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт. «Шарк юлдузи», 3-сон. 1946 й.
5. Х.Хамидов. Авесто ва маънавият. Т. 2001 й.
6. А. Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилд., 6-том. Т. 1990 й.

Мавзу: XV-XVIII асрлар ўзбек адабиётида фольклор.

Режа:

1. Захриддин Мухаммад Бобур ижодининг халқчиллик хусусиятлари.
2. Турди Фароғий шеъриятида халқона ифодалар.
3. Машраб шеърларидаги халқона услуб.

Таянч сўз ва иборалар: «Бобурнома», тарихий шахслар, лирик девони, кураш, сиёсат, поэтик ифода, халқчиллик негизи, халқона сўзлар, содда тил.

Бобур атоқли давлат арбоби, саркарда, шу билан бир қаторда, истеъдодли шоир, адиб, донишманд тарихчи, заковатли олим ва таржимондир.

Бобур жуда мураккаб ҳаёт, кураш ва ижодий фаолият йўлини босиб ўтди. Инқирозга юз тутган теурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустахкамлаш, Ўрта Осиё марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ уруш олиб борди. Бобур адабиёт, тарих, санъат ва илм-фаннинг турли соҳаларида жуда қимматли асарлар яратди. Унинг лирик девонлари, «Бобурнома» си, арузга доир рисолаи, «Харб иши», «Муסיкий илми» шулар жумласидан. Бобурнинг илмий-адабий мероси ҳозир ҳам ўзининг тарихий-маърифий илмий ва эстетик қимматини сақлаб келмоқда.

Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона вилояти пойтахти Андижонда туғилди. 12 ёшида Фарғона вилояти тахтининг вориси бўлди. Мустахкам ҳокимиятни вужудга келтириш мақсадида Афғонистон, Хиндистонга юришлар қилади. Шу давр мобайнида Ўрта Осиё, Хиндистоннинг турли мамлакатлари, Россия билан савдо ҳамда дипломатик алоқаларини ривожлантириб борган.

Бобур фақат йирик давлат арбоби ва мохир лашкарбоши бўлибгина қолмай, балки шу билан бирга буюк шоир, адиб, тарихчи ва олимдир. «Бобурнома» ни инглиз тилига таржима этган Эркин Бобурни бундай таърифлаган эди: «Саховатлилиги, мардлиги, истеъдоди, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан мувафакиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшолар орасида Бобурга тенг келадиган биронта подшо тополмайсиз».

Бобур 16-17 ёшлардан бошлаб бадиий ижодиёт билан шуғулланди. У ўзбек мумтоз адабиётини, айниқса Навоий мероси, форс-тожик адабиёти устозларининг адабий тажрибалирини ўрганди, ўзбек ва форс-тожик тилирида янги оригинал шеърлар яратди.

Бобурнинг энг йирик ва энг ажойиб асари, уни бутун дунёга танитган, Вамбери томонидан Юлий Цезарнинг шархлари билан бир қаторга қуйилган китоби-«Бобурнома» дир. Бу асар тарихий-бадиий асар, ўзбек тиббиёт, халқ тиббиёти ва бошқа илмий соҳалар бўйича ҳам қимматли маълумотлар берувчи асардир.

Бобур лирикасининг (девони) мавзу доираси кенг тили ва услуби жиҳатидан ниҳоятда содда ва равондир. У жўшқин ва муסיкий асарларида ҳаётинг оригинал

образлар яратади, халқ тили ва унинг оғзаки ижоди бойликларидан унумли ва ўринли фойдаланиб, шеърларининг тилини бой ва ранг-баранг қилишга эришди.

«Бобурнома» мемуарлар (эсдаликлар) тўпламидир. Бу тарихий-бадий асар 1494-1529 йиллардаги воқеаларни, Мовароўннахр, Хуросон, Афғонистон ва Хиндистонда рўй берган ва аксар ҳолда бевосита Бобурнинг ўзи иштирок этган ўзаро феодал урушларни ўз ичига олади. Бобур бу асарини умрининг охирларида 1529-1530 йилларида тугатади. Бобур «Бобурнома» нинг бош қаҳрамони.

Ўз ижодиётида халқ ибораларидан кенг фойдаланган шоирлардан бири-Турди Фароғийдир. У XVII асрда яшаб, тахминан 1699 ёки 1700 йилда вафот этган. Шоирнинг шеърияти ялписига исёнкор ижтимоий рух касб этишга унинг даврони сабаб бўлди. Шеъриятининг норозилик нидолари, афсус-надоматлари, қақшатқич хажву фош этиш услуги билан йўғрилишга унинг аламзадалиги ва армони сабаб бўлди. Бошқача айтганда, Турдининг ҳаёти ва ижоди жангу жадаллар жараёнида ижтимоий-маданий муҳитнинг тушкун бир палласида ўтганлигини кўрсатади. Ижодкор умри ижтимоий фаолликда, исёнкор, хону беклар аро жангу жадал суронларида ўтди. Бу фидокорлик аслида, улуғ мақсадларни кўзлаган эди. Турди ижодиётида ватан миллат қисмати энг асосий мавзулардан биридир. Унинг «Бу мулк» радибли ғазали «Кенглик қилинг» шеъри ватан истиклоли йулидаги оташин асрлари сирасига киради.

Турди-фикрий шеърият ижодкори. Шоир шеърдаги ғоявий салмоқдорликка кўпроқ эътибор берган.

Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тунга кириб,
Бир унгурлик, бир тиризлик, бир яко-енглик қилинг.

Бунда шоир бадий ғоянинг халқчиллигини таъминлаш учун фикрга мувофик халқона ифодалар излаган. Халқ оғзаки ижодиётдан байтда бирликни англатувчи беш иборани танлаб қўллаган: 1. «Бир ёқадан бош чиқармоқ». Бу беш иборанинг энг машхури у ҳозирги нутқимизда ҳам кенг қўлланилади. 2. «Барча бир тунга кирмоқ». Бу ҳам фикран, рухан, маслакан бирлашишини унғай ифодалай оладиган нисбатан машхур иборадир. 3. «Бир унгурлик» «Унгур» сўзи ҳозирги тилимизда, баъзи шеваларда «этак» маъносини англатади. Халқда яхлитликни ифодаловчи «бир этак» ибораси ҳам бор. Демак, «бир унгурлик» ҳам миллий бирлиكنинг ўзига хос ифодасидир. 4. «Бир тиризлик»... «Тириз»- шевалардаги туннинг астарин англатувчи сўз бўлиб, асосий мақсадни ифодалишга хизмат қилади. 5. «Бир яко енглик қилмоқ». Бу ибора халқ тилида анча кенг қўлланиб, у инсонларнинг бири ёқа, бир енг бўлиб, бамисоли бир тундек бирлик ҳосил қилишини англатади. «Барча бир тунга кириб» ва «бир яко- енглик қилинг» ибораларининг бир ўринда-мисралар охирида келиши, остин-устун жойлашиши ҳам улар ўртасида мантикий алоқадорлиكنинг, ўзаро бир-бирини шархляяжagini кўзлаб яратилган бадий қурилмадир. Миллий бирлик ғоясини илгари сурган икки марказий байтда «бир» сўзининг саккиз ўринда қўлланилиши ҳам тасодифий эмас. Бу ўзига хос лафзий-маънавий таъкид усулидир. Хуллас, «Тор кунгуллик беклар» миллий ўзликни англаш, қадриятларни қатъий ҳимоя қилиш руҳида яратилган мумтоз асардир.

Шеъриятининг ғоя ва мавзу, руҳи, услуги ва бадий хусусиятлари жихатидан халқона ифодалардан унумли фойдаланган шоирнинг яна бири Машрабдир.

Бобораҳим Машраб 1640 йили Наманганда камбағал косиб Вали бобо бўзчи хонадонида туғилди. 1711 йилда Махмуд Котағон жаҳл устида Машрабни Балх шаҳрида дорга остириб юборади.

Машрабнинг адабий мероси бизга алоҳида ва мукаммал девон ҳолида етиб келмаган. У «Девони Машраб» қиссалари, баёзлар ва турли мажмуалар таркибида пароканда ҳолатда сақланган.

Машраб шеърлари дунёни ўзига хос фалсафий-бадий идрок этишнинг ёрқин намунасидир. Унинг ҳар бир асарида оташин ошиқ шоирнинг туйғулари юксак фалсафий тафаккур билан йўғирилган. Машраб мажнунвор шахс бўлган. Машрабнинг

феъл-атворида чиндан ҳам девоналик кўзга ташланади. Энди бир шахс киёфасида фақирлик, шохлик, гадолик каби бир-бирига зид сифатларнинг бир йўла тажассум топиши тилсимига келсак, Машрабнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи фақирлик-камбағалчиликда кечган, сийратда-ички маънавий оламда ҳимматда, саховатда, тафаккурда, инсонпарварликда шох бўлган: шунинг учун халқ орасида Шох Машраб номи билан шуҳрат қозонган. Ташки кўринишида у мискин, ғариб, хокисор, манзил-беманзил кезувчи гадо, қаландар киёфасида юрган. Бир сўз билан айтганда, андозадаги зот бўлмаган.

Машраб шеъриятининг ғоявий оламида инсонпарварлик энг юксак ўринда туради. Машраб «Анал-Хак» «Мен-Худоман» таълимотини яратган Мансур Халлож йўлидан бориб, исон мартабасини Илох даражасида юқори кўтарган адабий сиймодир. Машрабнинг инсонга мухаббати умумбашарий моҳиятга эга. Машраб халқ дардини, ватан дардини, дину диёнат, ҳақ ва ҳақиқат дардини назарда тутди. Халқнинг дардига малҳам бўлиш Машраб халқпарварлигининг бош муддаосидир.

Мутафаккир шоирнинг инсонпарварлик ва халқпарварлик ғоялари одамгарчилик тўғрисидаги панду насиҳатлари халқона ибораларда мужассамлашган.

Назорат саволлари:

4. Захриддин Мухаммад Бобур ижодининг халқчиллик хусусиятлари.
5. Турди Фароғий шеъриятида халқона ифодалар.
6. Машраб шеърларидаги халқона услуб.

Адабиётлар:

1. Н.Маллаев. Халқ оғзаки ижоди. «Фан». Т. 192 й.
2. Н. Маллаев. Шохнома ва ўзбек адабиёти. «Фан». Т. 1970 й.
3. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи». Т.1976 й.
4. Х. Т. Зарифов. Халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт. «Шарк юлдузи», 3-сон. 1946 й.
5. Х.Хамидов. Авесто ва маънавият. Т. 2001 й.
6. А. Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилд., 6-том. Т. 1990 й.

Мавзу: Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари ва фольклор.

Режа:

1. Асарда тасвирий воситаларнинг қўлланилиши.
2. Қаҳрамонлар характери яратишда муаллиф маҳорати.
3. Асар тилининг халқ жонли тилига яқинлиги масаласи.

Таянч сўз ва иборалар : хажв, масал, ғазал, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, Маймун билан Нажжор, Тўя билан буталоқ, Тошбақа билан чаён.

Мухаммадшариф Гулханий XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабиётининг демократик йўналишига мансуб вакилларида бири бўлиб, ижодий фаолиятида хажв ва масал жанрини янги босқичга кўтарган шоир ва масалнависдир.

Гулханийнинг туғилган йили номаълум. Баъзи манбаларда наманганлик деб кўрсатилса, баъзиларида Қўқонда туғилган, онаси ўзбек, отаси тожик эди, деб кўрсатилади. Лекин, у XVIII асрнинг 70 йили дунёга келган, деб тахмин қилинади. Олимхон салтанати (Фарғона) даврида навкарларида бири бўлгани, урушларда фаол қатнашиб, ботирлик намунасини кўрсатганлиги, лекин қашшоқликда кун кечирганлиги қайд этилган. Умархон, саройидаги давлат таянчлари томонидан халқ бошига келтирган

қора кунлар Гулханийдек хассос шоирнинг сарой аҳлига муносабатларини ўзгартириб юборди, энди у шохни таърифлашдан чекланиб, ўз эътирозларини билдира бошлайди.

Манбаларда Мухаммадалихон эътиборли кишиларни таъкиб остига олгани, шоирни жўн қопга солиб, Сирдарёга ташлаб ўлдиргани айтилади. Бизгача унинг 12 газали ва қасидаси етиб келган. Гулханий ғазал ҳаётда воқеа-ходисаларни атрофлича тасвирлашга қулай эмаслигини тушинтириб, ўзларининг муҳим ижтимоий қарашларини, эл-юртга бўлган мухаббатини адабиётнинг бошқа жанрида яхши ифода этишни назарда тутиб, «Зарбулмасал» асарини ёзади.

Хукмрон доиралардан норозилигини очиқ ифодалаб олмай, аллегорик асар ёзишга жазм қилди.

Мазкур асарни ёзиш учун шоир кўп тайёргарлик куради, масал жанрининг хусусиятларини яхши ўзлаштиради, турли табақа кишилари билан мулоқотда бўлиб, халқ мақолларини, ҳикматли сўзларни тўплайди. Зотан, асарда «Зарбулмасал» (мақоллар, мақоллар жамъи) деб номлади. Шу жиҳатдан Гулханийни **адиб-фольклорист** дейиш мумкин.

Асарнинг ҳам шакл, ҳам мазмун, ҳам бадиий-тасвирий воситаларининг қўлланиши жиҳатидан халқ оғзаки ижодиға, ҳаётий-маиший эртаклари сингари, маълум терма берма билан бошланиб, «Муродларига етдилар» ибораси билан тугалланади. Шунга ўхшаш ўринлар асарнинг халқчиллигини таъминлаган. Чунки, В.Г.Белинский айтганидек, «агар адабиёт мустаҳкам ва абадий бўлишини истаса у албатта, халқчил бўлиши керак».

Асарнинг асосий мақсади фақат Мовароўннахрнинг эмас, балки Қуқон хонлигининг ҳам вайронаға айланганини, харобазорға юз ўгирганини, хукмрон ижтимоий гуруҳларнинг зулми, ярамаслиги, саройдаги фиску фужур ва қабоҳатлари, халқ оммасининг оғир шароитини ва шунга ўхшаш бир қанча масалаларни кўрсатишданиборат. Бу масалаларнинг ҳаммаси кўшларнинг қудачилик можаролари, қизнинг махри (никоҳ вақтида куёв томонидан келтириладиган мулк) воқеаси орқали баён қилинади.

Кўшларнинг қудачилик можароларини тасвирлаш жараёнида Гулханий ўша замондаги ижтимоий муносабатларни, миллий одатларни, жумладан, қизга совчилик қилиш, махр сўраш, хутба (ваъзхонлик, панд-насихат) каби расм-русумларни кўрсатишға муваффақ бўлган. Асарда Бойуғла, Яполокқуш, Гунашбону (Бойуғлининг қизи), Қулонқирсултон (Яполокқўшнинг ўғли), Кўркүш (совчи) шунчаки оддий паррандалар бўлмай, балки уша замонда яшаган турли кишиларнинг маълум хулқ-атворини ўзида мужассам этган аллегорик образлардир.

«Зарбулмасал» да латифаға ўхшаш кичик-кичик хикоялар, жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳларининг кирдикорларини фош қилувчи хажвий парчалардан ташқари, «Маймун билан нажжор (дурадгор)», «Тўя билан буталок» ва «Тошбақа билан чаён» масаллари ҳам бор. Бу масаллар асарнинг ғоявий-бадиий қимматини оширади, ижтимоий-ахлоқий масаларни ёритади, халқчил мохиятини кучайтиради.

Асар Шарқ халқ оғзаки ижодиётида кенг тарқалган, Навоий каби сўз усталари томонидан қўлланилган ҳикоя ичида ҳикоя, халқ аскиячилиқ усулида яратилган. Халқ хикматли сўзлари, мақолларнинг ҳар бири жуда муҳим бўлиб, бадиий асарни ҳар жиҳатдан безайди.

Муаллиф ўхшатиш, сифатлаш, истиора, мажоз, такор, мурожаат кабт тасвирий воситалардан ўринли фойдаланган. Гулханий ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда қўлланиб келинган сажъ усулидан фойдаланиб асарнинг равон уйноқи ўқилишини таъмин этган, бунда ички қофияланиш принципаға риоя қилинади: Шурақул-гул, таррор-айёр, солор-беор.

«Зарбулмасал» тили содда халқ жонли тилиға яқиндир. Унда баъзи арабча ва форсча сўзлар ҳам қўлланади.

«Маймун билан нажжор» масалида шоир бир қатор муҳим фикрларни олға суради: хунар ва хунар ахлини улуғлайди, қўлингдан келмайдиган ишга ўринма деган фикрни аллегорик образлар хатти-харакати орқали ифодалайди. Масалда нажжор (дурадгор) образи муҳим ўрин тутати. У ўз ишига мохир хунар ахилларидан нажжор ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш ҳар нарсадан муҳим.

«Тўя билан буталоқ» масалида Фарғонада бир сарбон-тўячи бисоитдаги биргина таяси билан юк ташиб, рўзғор тебратар экан. Тўяга юк ортиб йўлга тушганида тўянинг роқасидан эмадиган буталоғи ҳам эргашиб онасини эолмай орқасидан зорланиб кетаверади. Бу масалда меҳнаткаш халқнинг ғир тумуш шароити, ҳуқуқсизлик, иложсизлиги жуда яхши танлаб олинган образлар орқали кўрсатилади. Китобхон тўянинг иложсизлигини, оғир меҳнат остида қолганлигини тушунади ва хайрихоҳлик билдиради. Буталоқ тўя образини анча тўлдиради. Тўянинг пассив норозилиги ана шу буталоқ образи ёрдамида ифодаланади. Масалда меҳнаткаш халқнинг эксплуататорларга қарши норозилиги жуда пассив шикоят тарзида ифодаланган.

«Тошбақа билан чаён» масали драматизмнинг кучлилиги билан ажралиб туради. Бу масал сафарнинг фойдасини ифодалаш мақсадида Кардон тилидан Туримтойга Бозанда ва Навозанда номли икки кабутарнинг саргузашти ҳикоя қилиб бериш орқали баён қилинади.

Бу масал халқ оғзаки маҳсули бўлиб, ана шу масал орқали қалам ахиллари ўзларинг илғор қарашларини, ахлоқий дидактик фикрларини олға сурганлар. Жумладан, бу масал Жомийнинг «Бахористон» асарида ҳам бор. Гулҳаний Жомий талқин этган вариантдан фойдалангани шубҳасизлир. Лекин, Жомий версиясини сақлаган ҳолда унга янги деталлар қўшиб масалнинг таъсирчанлигини анча оширади ва характерларнинг тўқнашувини кескинлаштиради. Мақол орқали чаёндаги салбий хусусиятларни бўрттириб кўрсатади. Ана шу деталлар масалга янгича руҳ бағишлайди. Гулҳанийнинг бу масалини талқин қилишдаги новаторлиги ҳам худди шундадир.

Тошбақа фаросатли, сафарларда кўп юриб, анча тажриба ҳосил қилган, хайрихоҳ инсон образидир. У чаёндан ёмонлик содир бўлишини билса ҳам, лекин унинг яна бир марта дуруст йўлга солмоқчи ва бунинг учун ўз саховати, тутган иши билан унга ибрат кўрсатмоқчи бўлади. Лекин яхшиликка ёмонлик кўргач, сув тубига шунғиб, чаённи халоқ қилади.

Хуллас, бу масалда ўзининг муҳим дидактик қарашларини, кишиларни душман билан дўст тутмасликка ундовчи фикрни баён этади.

«Зарбулмасал» ҳикоячаларининг бош хусусияти шундан иборатки, уларда муаллиф бир-икки штрих билан ўз қаҳрамонини кимлиги, нима иш билан шуғулланиши, маънавий қиёфаси ҳақида ўқувчида аниқ бир тасаввур қолдиради.

Назорат саволлари:

4. Асарда тасвирий воситаларнинг қўлланилиши ҳақида гапириб беринг?
5. Қаҳрамонлар характерини яратишдаги муаллиф маҳорати деганда нимани тушунасиз?
6. Асарнинг тили халқ жонли тилига яқинлиги масаласи изоҳлаб беринг?

Адабиётлар:

1. Н. Маллаев. Шохнома ва ўзбек адабиёти. «Фан». Т. 1970 й.
2. Н. Маллаев. Халқ оғзаки ижоди. «Фан». Т. 192 й.
3. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи». Т. 1976 й.
4. Х. Т. Зарифов. Халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт. «Шарк юлдузи», 3-сон. 1946 й

5. Х.Хамидов. Авесто ва маънавият. Т. 2001 й.

6. А. Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилд., 6-том. Т. 1990 й.

Мавзу: Огаҳий шеъриятида фольклор анъаналари.

Режа:

1. Огаҳий поэтик ижоди ва фольклор.
2. Огаҳий шеъриятида халқ ижодидан фойдаланиш маҳорати.
3. «Таъвиз-ул-ошиқин» да халқона ифодалар.

Тачнч сўз ва иборалар: Хива, мироб, маърифатпарварлик, Лутфий, Навоий, Фузулий, Мунис, Саъдий, Хофиз, Бедил, Таъвиз ул-ошиқин.

Мухаммадризо Эрнийезбек уғли Огаҳий (1809-1874) атоқли маданият арбоби, мумтоз шеърятнинг мохир устаси, тарихий, адабий асарлар муаллифи, форс-тожик мумтоз машхур асарларни ўзбекчага таржима қилган таржимон, Хивадаги адабий ҳаракатнинг юксак сиймосидир. Огаҳий 1809 йил 17 декабрда Хива шаҳри яқиндаги Қиёт қишлоғида Эрнийезбек мироб (сув тақсимлаш вазифаси) оиласида туғилди. Отаси оламдан ўтгач, Хива мадрасаларида таҳсил кўрди. Амакиси Шермухаммад Мунис кўлида тарбияланди, унинг раҳбарлигида адабиёт ва тарих билимларидан баҳраманд бўлди. Бирок 1829 йил Огаҳий амакиси, устози Мунисдан ҳам ажралди. Огаҳий Муниснинг ўринга мироб этиб тайинланди. 1845 йили мироблик юмушлари билан юрган Огаҳий отдан йиқилиб шикастланди (оқсайдиган бўлиб қолди). 1874 йил 65 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Огаҳий уз шеърий ва насрий ижодиёти билан XIX асрнинг 30 йилларидаёқ танилган эди. Огаҳий XX аср адабиёти ҳаракатида муътабар мумтозлардан Лутфий, Навоий, Фузулий, Мунис ютуқларидан фойдаланди, улуг форс-тожик мумтозлари Саъдий, Хофиз ва Бедилнинг санъаткорлигини ўзлаштирди.

Огаҳий лирикасига фольклор таъсирини ўрганиш қадриятларимизни тиклашга, ўтмиш тарихимиз ҳамда адабиётимизни тўғри тушунишга омил бўлади. Огаҳий ғазалларида ўзи яшаган давр ҳаёти ҳақидаги реалистик тушунчалар, ўзига хос тасвир воситалари қатнашади. Халқ ҳаёти ва ижодидан олинган илҳом Огаҳий бадиий маҳорати янада жозибалироқ бўлишини таъминлай олган. Огаҳий поэтик ижодига мифларнинг таъсири катта эканини, кўпгина сюжетлар ўз илдизлари билан мифологияга бориб тақалишини таъкидлаш лозимдир. Чунончи, **пари** образи ҳам халқнинг қадимий тасаввурлари билан боғлиқ бўлиб, пари ҳақидаги афсоналарнинг пайдо бўлиши зардуштийлик билан боғланади. Шоманистик фольклорда парилар Кўхи Қоф ёки Боғи Эрамда маскан тутиб, инсонга ва инсон унга ошиқ бўлиши табиий ҳол саналган. Улар ўч олиши, боқий яшаши, саъятни севиши, кўздан ғойиб бўлиши, баъзан инсонга шикаст етказиш, ақлдан оздириши мумкин. Огаҳий лирикасида пари билан боғлиқ байтларнинг кўпчилигини маъшуқага «париваш», «пари», «парируй», «парипайкар» деб нисбат берувчи байтлар ташкил этади. Ошиқ кўпинча севгилисига «эй, пари» деб мурожаат қилади. Маъшуқа пари у ошиқ таъбирича хуснда ягоналик рамзи.

Мифологик тасаввурларнинг энг қадимги даври маҳсули **дев** халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда фаол қўлланиладиган образлардан биридир. Огаҳий дев образига мурожаат қилганида ҳамиша дардли ва маҳзун кайфиятда бўлади. «Эй кунгул» мусамманида шоир ва дев образига хос сифатлардан мохирона фойдаланган. Хуллас, Огаҳий дев образи тасвирида афсона ва мифлар, эртак ва дostonлар, халқ ишонч-эътиқодларида мавжуд бўлган бу образга хос сифатларга ишора қилиш орқали инсон

қалбининг поклигини, рухий олам мусаффолигини, ошиқ қалбининг рангин тебранишларини мантиқан ишонарли тарзда тасвирлайди.

Халқ оғзаки ижодида кенг ўрин олган ва Огаҳий асарларида қўлланилган демонологик персонажлардан яна бири **аждар** образидар. Аждар образининг халқ тасаввур ва эътиқодларидаги вазифалари Огаҳий шеъриятида ҳам яққол кўзга ташланади. Огаҳий аждарнинг хазинани қўриқлаш хусусиятидан фойдаланиб, маъшуканинг юзи ва сочи таърифида ёрнинг юзи-хазинага, икки урим сочи эса аждаҳога ўхшатилади. Шоир аждарнинг фольклор асарларида энг кўп тарқалган хусусияти-хазинани қўриқлаш сифатидан фойдаланиб, анъанавий хижрон дардини, соғинч изтиробларини тасвирлайди. Огаҳий аждар билан халқ афсона ва ривоятларига таяниб, байтларига сайқал берган ва гузал манзаралар чиза олган.

Тотемизм миф, афсона ва ривоятлар орқали катта эпик жанрларга ҳамда ёзма адабиётга кириб келган. «Авесто» нинг X аср (Видевдат) бобида одамзотга фойдаси тегадиган ва садоқатли хайвонлар, хусусан, **ит**лар ҳақидаги фикрлар мавжуд. Вафодор итлар, уларнинг феъл-атвориға мадҳия ўқилади. Ит турган жой, у сақланган уй ва кишиларга ёмон руҳлар яқинлашмаслиги, ит хомий эканлигига қадимги одам ишонган. Мазкур эътиқод излари маросим ва иримларда сақланган. Демак, итнинг кульг сифатида улуғланиши, одамнинг илк бор кўпга ургатган хайвони ит бўлганлиги кўп халқларда тарқалган.

Огаҳий ижодида ит образига мурожаат қилинар экан, шароитга хос сифат-хусусиятлари билан бирга, у ҳақдаги халқ мақоллари, афсона ва ривоятлар асосида ушбу образни кенг тадбиқ этишга интилган. Итнинг йиртқичлик, дайдилик каби сифатлари асосида ўз замондошлари иллатларни фош этишга ҳаракат қилади. Шоир шеърларида очкўз, молпараст кишиларни итга қиёс этади. Огаҳий ит образи воситасида нафс куръони бўлган бандалар қиёфасини чизади. У ошиқнинг доимий бўлган анъанавий рақиб образи тўғрисида сўзлаганида, аввало ҳақиқий итни, итнинг исломдан кейинги салбийлашган хусусиятини назарда тутади.

Огаҳий шеъриятидан итнинг қуриқчилик, содиқлик каби ижобий хусусиятлари акс этган ҳам анча бўлиб, зоҳиран қаралса, уларда ит маъшуканинг содиқ посбони сифатида ва у кеча-кундуз ёр эшигини қуриқлайди. Ошиқнинг ёр қуриқчиси бўлган бу итларга хаваси келиб, ўзи ҳам маъшуқа итлари қаторида бўлмоқни орзу қидади. Севгилисининг эшигида ит қаторида бўлиши ошиққа кўрсатилган зур эҳтиромдир. Итнинг ҳолига тушушдан ҳам ор қиламайдиган ошқ хиссиётлари ниҳоятда гузалдир.

Огаҳий лирик қаҳрамон ҳолатини тасвирлар экан, жаннат боғларидаги ваъдадан кўра, ёр итларига ташланган таомдан бир лўқмагагина татиб кўришни афзал билади. Унинг мазасидан мамнун, ўз тақдарида рози бўлган ошиқ фақирона вафо ва садоқат кўрсатгани боис ҳам маъшуқа ва унинг содиқ посбонлари-итлари марҳаматига сазовор бўлган. Унинг интилиши маъшуқа жамолини кўриш бўлса-да, бу йўлдаги кичик илтифотлар ҳам у учун бахт саналади. Демак, шоир ит образи орқали ўз ички дунёси, сийратидagi ғулулалардан бахс очиб, инсоннинг рухий покланиши ҳақида сўз юритган. Шундай қилиб, халқ оғзаки ижодиётида пари, дев, аждар сингари мифологик образлар кенг қўлланилган бўлиб, кейинчалик улар ёзма адабиётга, айти пайтда Огаҳий ижодиётига кучган. Уларнинг айрим сифат ва хусусиятларига ишора қилиш орқали ўз ғоявий ниятини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган. Соф бадий ижодда дев образи ўзига хос характер касб этиб, ҳақиқий маъноси билан бир қаторда рамзий мазмун ҳам ташийди. Огаҳий ит образининг ҳақиқий ва мажозий моҳияти орқали ифода ранг-баранглигига эришишга диққат қилади.

«**Таъвиз-ул-ошиқин**» (Ошиқлар тумори). Огаҳий халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машхур. Шоир ўз шеъриятининг ошиқлар қалбига яқин, улар билан тумордек доимо ҳамроҳ бўлишини, ишқ аҳлига дард аламлардан халос қилувчи

фазилатларга эга бўлишини истади ва девонини «Ошиқлар тумори» деб атади. Асарнинг дебочаси , Огаҳийнинг ҳаёти, хасби холи ҳақида маълумот берувчи бирламчи манбадир. Унда шоир орзулари, руҳий ҳолати, дунёқараши җамиятдаги воқеа-ҳодисалар, турфа тоифа, амалдорга муносабатини кўзатиш мумкин. Асарда шарқ мумтоз адабиётининг 19 жанридаги асарлар мужассам. Улар 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мураббаъ, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 китъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламмаъ, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри таъвил, 1 муножот, 1 савол-жавоби ошиқ ва маъшук, 2 таърих, 19 қасида, 18000 мисра назм җавоҳирлари җамланган.

Девондаги асарлар ижтимоий мазмун салмоқдорлиги, инсон ва халқ манфаатлари учун кураш маслаги билан ҳам шарқнинг улмас обидалари қаторида туради. Инсон тақдирига муносабати давр ва аҳли давр тасвирида кўзга яққол ташланади. Лирик қаҳрамон сиймоси орқали умумхалқ дарду хасратини изҳор этиш санъати. Илм-маърифат бадиий сўз намоядаларининг қадрсизланган замонда Огаҳийдек сабот ва бардош, катта умидворлик билан тинимсиз маънавий қудуқларини қазмок, мукамал девон ва қатор тарихий-бадиий китоблар яратмок, букилмас ирода, фидоийлик нишонасидир. Шоир самимий, меҳрибон, хайрихоҳ, дўсту ёр тополмай қийналади.

Огаҳий фалсафий асарлари кўрсатадики, у ўз салафлари сингари , суфийликнинг пантеистик йўналишига, кўпроқ Накшбандийлик сулуқига (оғзига темир, жиловлаш) эътиқод қуйган. Чунки, у Ўрта Шарқ фалсафасида энг тараққийпарвар, ҳаётсевар, инсонпарвар маслак эди.

Назорат саволлари:

1. Огаҳийнинг поэтик ижоди ва фольклор ҳақида гапиринг?
2. Огаҳий шеъриятида халқ ижодидан қандай фойдаланган?
3. «Таъвиз-ул-ошиқин» да халқона ифодалар кўрсатинг?
4. Огаҳий асарларида тасвирий воситаларнинг қўлланилиши ҳақида гапириб беринг?
5. Қаҳрамонлар характери яратишдаги муаллиф маҳорати деганда нимани тушунасиз?
6. Асарнинг тили халқ жонли тилига яқинлиги масаласи изоҳлаб беринг?

Адабиётлар:

1. Н. Маллаев. Шохнома ва ўзбек адабиёти. «Фан». Т. 1970 й.
2. Н. Маллаев. Халқ оғзаки ижоди. «Фан». Т. 192 й.
3. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи». Т. 1976 й.
4. Х. Т. Зарифов. Халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт. «Шарқ юлдузи», 3-сон. 1946 й.
5. Х. Хамидов. Авесто ва маънавият. Т. 2001 й.
6. А. Навоий. Бадое ул-васат. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилд., 6-том. Т. 1990 й.

Мавзу: Абдулла Қодирийнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланишдаги маҳорати

Режа:

1. Қизикчилик саънатида фойдаланишда А.Қодирийнинг маҳорати
2. «Меҳробдан чаён» романида сатирик типлар
3. А.Қодирий ижодида жонли халқ тилининг бойлиги

Таянч сўз ва иборалар: «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», соф фольклор, драма, актёр, қизикчилик санъати. «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпулат тажанг нима дейди», «Тинч иш», «Замонанинг зайфи», ўткир ҳажвий асар, қаҳрамонлар билан узвий боғлиқлик.

Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида муҳаббат масаласини даврнинг катта ижтимоий муаммолари билан ичдан боғлиқ равишда тасвирлашда фольклорнинг битмас қаҳрамонлари руҳидан қониб баҳра олган.

«Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларида соф фольклор асарлари, жумладан, халқ оғзаки драмси актёрлари, қизикчилик санъати билан танишамиз. «Қовоқ девонанинг белбоғи» бобида («Ўтган кунлар») девона – қизикчининг портрети кишининг кулгусини қистатади. Қовоқ девона одамлар ўйлагандек тентак эмас, унинг сўзларида маъно бор. У юрт бошлиқларини қовоқлари мисолида масқара қилади, кулади ва кулдиради. Устидан қараганда девона ва чайхонадаги чайхурлар ўртасида рўй берган суҳбат бекорчиликда қилинган майнавозчиликдай кўринса – да, аслида бу қизикчи ва томошабинларнинг юрт зодагонларига бўлган муносабатини билдиради. Кулги девона учун бир воситадир. Бунга «Худой белга» (Худоёр балга), «Нор калла» (Нормуҳаммад қушбеги) деб ишора қилгани мисол бўла олади. Девона тилида насрда саъжни учратамиз «Носқавоқ, юпқа томоқ» қофияланишида хон ва амалдорларнинг хотинбозлиги, маишатпаразлигини эслатмоқчи бўлади. Одамлар ундан: «Онангиз сизни нима учун туққан?!» деган саволга «хоннинг қўйини боқиш учун, қовоқларни белга тақиш учун», деб жавоб берди. Ҳозил – мутоиба билан айтилган бу сўзлар умрини бировларнинг эшигида бефойда ўтказган кишининг фикрини баён этаётганга ўхшайди.

Абдулла Қодирий халқ қизикчилик санъатининг нозик сирларини яхши билган, ўзи ажойиб ҳажвий ҳикоялар, мақолалар ёзган. Мақолаларида халқ ижодкори, халқ ҳаётида кулги саънати аҳамияти, бадиий адабиётда тутган ўрни, кулги хиллари ва бир – биридан фарқли томонлари, улардан А.Қодирий ўз асарларида қанчалик фойдалангани тўғрисида жуда нодир фикрлар баён этилган. Айниқса, пичинг, кесатиш, киноя, тағофил (ўзини билмасликка олиши), булар орасида характер кулгиси муҳимлигига ўқувчи эътиборини алоҳида тортади. Ҳар қандай истехзоли (масҳара) кулгини юзага чиқаришда ҳазил, киноя, муболаға, тафсир, ташбеҳ (ўхшатиши), тамсил, истиора ва бошқа халқ мақоллари ёки таъбирлари ишлатилишини айтади. Демак, А.Қодирий «Меҳробдан чаён» романини ёзгунча меҳнаткаш халқ ҳаёти ва унинг оғзаки бадиий ижодини ўрганган, билган, халқ қизикчилари санъатини асарда қулатган ғоявий ниятига тўла бўйсундирган ҳолда қиритган.

Халқ санъати актёрлари турли қиёфада маска кийиб оғзаки драма асарларини сахнада ўйнаганлар. А.Қодирий бу хилда аниқ, барча деталарини батафсил моҳирона тасвирлашидан унинг қизикчилик санъатини пўхта билганлиги, улар кўрсатган

томошоларни синчиклаб ўрганганлиги равшан сезилди. Қизиқчилик санъати намуналарида халқ оммаси дунёқараши ифодаланган. Иккинчи томондан, қизиқчиликдаги танқидий йўналиш романдаги салбий типлар фаолияти билан бевосита алоқадордир, ўз навбатида, бу икки ҳолат ёзувчининг «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпулат тажанг нима дейди», «Тинч иш», «Замонанинг зайпи» ва бошқа кўпгина ўткир ҳажвий асарлари қаҳрамонлари билан узвий боғлиқдир.

«Меҳробдан чаён» да тасвирланган сатирик типларнинг яратилишида А.Қодирий халқ оғзаки ижоди материалларидан озиқланади. Халқ оғзаки ижоди асарларида Солиқ маҳдум каби дин сарбоблари танқид этилгани бежиз эмас.

А.Қодирий асарларида тасвирланган Солиқ маҳдум, мулла Абдулла ҳамон, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзо ва бошқалар йигирманчи йилларда янги тузумга ёвларига пичоқ қайраб берган ёт унсурларнинг маслакдош издош бобокалонидир.

Абдулла Қодирий ўзи айтганидек, замонимиз Тоҳир ва Зухралари, Фарҳод ва Ширинлари образларини яратишда халқ дostonларининг идеал ижобий қаҳрамонлари руҳидан озиқланганлиги шубҳасиз. Бироқ, эпосдаги халқ фантазиясидан, идеал оптимистик йўналишидан ёхуд шарқ шеърятининг, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётининг романтик кайфиятидан нусха кўчирмади, балки уларни типик реал ҳаёт воқеалари билан мантиқан узвий боғлаб, ёрқин келажак уфқларини ёрита олди. Шу нарса аниқки, А.Қодирий улуғлаган ижобий қаҳрамонлар замонасининг илғор кишиларидир.

Абдулла Қодирий жонли халқ тилининг бой хазинасидан асарларида катта маҳорат ва масъулият билан фойдаланди. Нутқ маданиятини, муомала одобининг кўркем намунасини кўрсатди. Халқ таъбири, мақол ва маталлар, образли ибора ва ифода, ҳикматли сўзлар қаҳрамонларнинг индивидуал хусусиятларини очишда турли вазиятдаги кайфиятларини беришда унга жуда қўл келган. Халқнинг сўз бойлиги ёзувчи ихтиёрига ўтганда, улар фикрларни аниқ, таъсирчан ифодалашга хизмат этади, хилма хил хулқли персонажлар фаолияти, руҳий кечинмаси ҳақида ўқувчига равшан тасаввур ҳосил этади, образларга жонлилиқ, ҳаётийлик бахш этади. «Ўтган кунлар» романидан мисоллар келтирамиз: «Хали сен менинг совунимга кир ювиб кўрганинг йўқ», «Қарс икки қўлдан чиқадир», «Оёғи куйган товукдек тўрт томонга югура бошладим», «Муҳаббат деган нарса ҳуснга қарамайдидир» ва бошқалар. Адиб асарларида айниқса мазкур тарихий романларида халқ тилининг ранго – ранг маъно жолларини кўплаб ўчратиши мумкин.

А.Қодирий романларида табиат манзаралари, воқеалар динамикаси «портретлар, қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари ғоят нозик, маҳорат билан чизилган. Ёзувчи халқ тилининг ифода воситаларидан саҳийлик билан фойдаланади. Бунга романларнинг ҳар бир бобидан истаганча мисоллар келтириш мумкин. «Ой этак билан ёпилмас» халқ мақоли сарлавҳа ўрнида бериладик, ундаги умумий фикр конкретлашган ҳолда Отабекнинг хайрихоҳ қотиллик қилгани отасига етиб маълум бўлганига нисбатан жуда ўринли қўлланган. Бу хусусида ота – боланинг мунозараси ғоят жиддий тус олади. Юсфбек ҳожи табиятида сокинлик, нутқ оҳангида вазминлик, ҳамиша ақл ва инсоф юзасидан иш тутишга одатланган. Ҳар бир ишнинг кетини ўйлайдиган, сермулоҳазали, «шарқ оталиги вазияти» унинг фикр – ўйларида, сўзларида индивидуал белгилари билан жонли гавдаланганлигини юқорида кўрган эдик.

А.Қодирийнинг ўзбек адабиёти тараққиётидаги буюк хизматларидан бири шундаки, у умумхалқ тилининг бой хазинасига ҳамиша мурожаат қилиб, уни адабий шаклга, кенг истеъмолга киритиб, бадий тил даражасига кўтарди. Унинг тасвири, баёни, тавсифига кўчган ҳар бир ибора, сўз сермаъно жумлаларда сайҳал топади, ўзбек халқи бадий тафаккурини ривожлантириш омилига айланади. Қаҳрамонларнинг характер мантикига монанд келадиган муҳим томонларга ёзувчи ўз баёнида алоҳида урғу бериб уларнинг индивидуал нутқи орқали характерлар яратади.

А.Қодирийнинг 1914 -1916 йил яратган «Улоқда», «Жанлар базми» каби хикояларида, фелъетонларидаёқ ўтмиш даври насрига хос бўлган китобий тилдан воз кечиб, бадиий тилни халқ тилига яқинлаштириш тажрибасига эришганлиги таҳсинга лойиқ. Бу йўлдаги кураш унинг романларида изчил давом эттирилди ва юқори поғонага кўтарилди. Бинобарин, ёзувчининг бадиий тил соддалиги ва кўркемлигини сақлаб қолиши ва ривожлантириш борасидаги интилишлари кўп санъаткорларга ибрат бўларлиқ натижа билан яқунланди. Унинг сўз устаси сифатида фаолияти, маҳорати, устозлиги, мураббийлиги билан ҳамон янги авлод ёзувчилари диққат ва муҳаббатини ўзига тортиб келмоқда, ўргатмоқда, ўйлатмоқда.

Назорат саволлари:

- 1.Қизиқчилик саънатида фойдаланишда А.Қодирийнинг маҳорати нимада?
- 2.«Меҳробдан чаён» романида сатирик типларни баён этинг?
- 3.А.Қодирий ижодида жонли халқ тилининг бойлиги нимада кўринади?

Адабиётлар:

1. М.Қодиоров. Ўзбек халқ оғзаки доамаси. Т. 1963.
2. А.Қодирий. Кичик асарлар. Т. Ғ.Ғулом номидаги. 1969.
3. А.Қодирий Меҳробдан чаён. Т. Ғ.Ғулом номидаги 1974.
4. Охунжон Собиров. Сарчашма адиб ижодида. Т. «Фан» 1975.
5. А.Қодирий. Ўтган кунлар. Т. Ғ.Ғулом номидаги. 1974.
6. Тўхтасин Жалилов. Олтин қафас. Т. «Ёш гвардия», 1962.

Мавзу: Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди

Режа:

1. Ҳамза ижоди ва халқ оғзаки ижоди ўртасидаги узвий боғлиқлик.
2. Ҳамза асарларида фольклор унсурлари.
3. Ҳамза поэтик тилининг ривожланишида халқ ижодининг ўрни.

Таянч сўз ва иборалар: Халқчиллик, реализм, мақоллар, халқ эртаклари «Майсаранинг иши», «Бой ила хизматчи», поэтик ижод, руҳ, шоир поэзияси.

Ёзма бадиий адабиёт назариясининг муҳим масалаларидандир. Бу ўз навбатида адабиёт ва санъатдаги халқчиллик, ғоявийлик ва бадиий маҳорат, меросга муносабат масалалари билан боғлиқдир.

Ҳар қандай илғор ёзувчининг ижодини халқ ҳаёти билан узвий алоқасиз, халқ оғзаки бадиий ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишида бошқа етакчи мезонлар қаторида халқ оғзаки ижоди ҳам алоҳида ўринга эга.

Асар, биз ўзбек поэзияси ва драматургиясини бошлаб берган истеъдотли санъаткор Ҳамза ижодига шу нуқтан назардан ёндашсак, у яратган асарлар халқ ҳаёти ва халқ оғзаки ижоди билан боғланганлиги жиҳатидан алоҳида диққатга сазовор эканини кўрамыз.

Халқ оғзаки ижодидаги чуқур халқчиллик билан изоҳланувчи реализм, ватанпарварлик ва инсонийлик идеяларини ифодалаш, образ яратишида композицион пухталиқка интилиш, халқ ижодига хос бўлган турли тасвирий усулларни кенг қўллаш

Ҳамза ижодий фаолиятида муҳим характерли воқеалардан бири бўлиб қолди. Шоир халқ ижодини бевосита ўрганиш билан биргаликда билвосита фольклор асарларининг дунёга келиши, туғилишининг шохиди бўлди. Ў ўзининг кўп вақтини халқ ўртасида ўтказиб, улар ҳаётидаги энг характерли воқеа ва ҳодислар заминида бўлажак асарларининг эскизини чизди, турли афсоналарни синчиклаб ўрганди.

Халқнинг ўз дил хасратларини ифода этувчи мунгли, дилларда ёд бўлиб, кўйларга солинувчи қўшиқларини, катта таъсир кучга эга бўлган лапарларини яхши билган шоир улар воситаси билан ўз поэтик услубини силлиқлаштирди, лексикасини бойитди, тилини бурро қилди. Халқ эртаклари эса, шоирнинг ўз фантазиясини кучли суратда ўстиришни таъмин этди.

Ҳамза ўзининг «Майсаранинг иши» комедиясида бадий умумлашма, бўрттириш орқали мазкур мавзудаги эртакларнинг асосий мотивларини ўз ғоявий ниятига бўйсиндирди. Уни янги образлар, воқеалар ва бадий деталлар билан тўлдиргани ҳолда даврнинг муҳим ижтимоий ҳодисаларини бадий акс эттирди. Бунинг учун ёзувчи фақатгина эртақ сюжетига асосланмай, халқ ижодининг бошқа жанрларига ҳам суянади. Тил ва тасвирий воситалар, халқ латифалари, юморлари ва бошқа бадий усуллардан фойдаланади.

Хусусан, комедиядаги Майсара, Мулладўст сингари халқ вакиллари образини индивидуал характерини яратишда халқ ижоди Ҳамзага катта ёрдам берди. Асардаги уддабурон, тадбирли, зийрак аёл Майсара халқ ижодидаги ва эртакларидаги халқ орзу интилишларини, ғазаб – нафратланишини ифодаловчи аёл образларини эслатса, Мулладўст шодлигига шерик, дарду аламига ҳамдард бўлган машҳур халқ образи – Афандини эслатади.

Образларнинг характеридан келиб чиқиб, уларнинг индивидуал тилини яратишда ҳам Ҳамза халқ ижодининг рангба – ранг ихчам, содда, аммо теран фикрини ифода этувчи сўз ва ибораларини усталик билан танлайди. Бу ўринда Мулладўст образининг тил хусусияти характерлидир. Унинг аччиқ ҳақиқатни ифода этган саъж формасидаги қофиясидош сўз ва иборалардан ташкил топган, кишида енгил кулги қўзғовчи нутқлар ўзига хос характерини турмуш ва одамларга қарашини тўла ифодалайди. У халқ юморларига воситасида шарият пешволарини, уларнинг сохта дуоғўйликларини фош этади.

Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жозоси», «Жаҳон сармоясининг охириги куни», «Эл қузғунлари», «Сайлов олдидан», «Ер ислохоти» каби турли жанрлардаги асарлари ҳам ҳар хил кўринишдаги фольклор унсурлари билан суғорилган. Ҳамзанинг педагогик асарларига ҳам фольклор таъсири зўр бўлди. Ўзининг дидактик ва этик қарашларини ўқувчи учун содда тилда ифода этиш учун халқ масалларига хос бўлган қиссадан ҳисса чиқариш, фикрини эртақ, ҳикоя воситасида бошқариб бориш каби усуллардан фойдаланди. Ўзи яратган дарслик ва қўлланмалардаги ҳар бир суҳбат ва дарс мавзуси, вазифасига мувофиқ равишда қайта ишлаб ўқувчига тақдим этди, айрим ўринларда халқ эртаклари мотивида оригинал ҳикоялар яратди.

«Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» (1914 -1915) асрларига кирган эртақ ва масал, ахлоқий ва таълимий мавзулардаги шеърӣ асарлари фикримиз исботидир.

«Қироат китоби» да этик характердаги асарларида эса халқ эртакларидаги фикрни баён этиш ва ифода усулларида ўрганади. Илм, жаҳл одоб, кибр, ёлғончилик, зулм, ҳиёнат мавзуларни ёритишда ҳар бир асар бошланишидан олдин шу мавзуга оид халқ мақоли ёки афористик шерӣ парча келтиради.

Ҳамза поэтик ижодининг бадий такомилида халқ қўшиқларининг роли катта. Шоир халқ поэтик ижодидаги вазн, ритмик хусусиятлар, тасвирий воситалар ва қофияланиш системаси каби қатор масалалар билан қизиқди. Кўп қўшиқлар унга ёд бўлиб кетган, айримларининг яратилиши, халқ ўртасида тарқалиши тарихини ҳам батафсил биларди. «Гуллар» - халқ куйлари тўплами («Нихон» таҳалус)

Ҳамзанинг халқ ижоди билан шуғулланиши унинг поэтик тилида ҳам буюк бурулиш ясади. У кенг халқ оммаси хазм қилиши қийин бўлган араб, форс сўзлари, айрим сунъий сўз ва иборалар ўрнида ихчам, жонли халқ иборалари, содда сўзлар қўллади.

Ҳамза ўзининг эшонлар, бойлар амалдорлар, умуман эскилик ва ббдъатга қарши қаратилган уларнинг барча кирдикорларини фош қилувчи сатирик шеърларини ҳам халқ қўшиқлари оҳангида ярата бошлайди. Масалан, у 1916 йил ёзилган ва «Қизил гул» тўпламига киритилган бир сатирик шеърини халқ ўртасида айтилиб юрган «Вой золим» ашуласи оҳангида ёзганини таъкидлайди.

Ҳамза фольклоридаги мақол ва матал жанрларидан афористик сўз ва иборалардан ҳам кенг фойдаланди поэтик тил воситалари бўлган мақол ва афоризмлар шоир томонидан содда, айти пайтда шуқур мазмунли, кўпинча янги мазмун, янги фикр ашлатувчи поэтик восита – образли ифода сифатида қўлланилади.

Қозон ёнидан ўтманг укалар.

Юқгай қароси демиш боболар.

Ёки:

Йигит деган эр бўлур.

Меҳнат кўрса шер бўлур.

Қаби ёмонга йўлдош бўлмаслик, шунингдек мардлик ва қаҳрамонлик идеяларини тараннум этувчи халқ мақолларидаги асосий фикр асар ғоявий йўналишга сингдириб юборилиши шубҳасиз асарнинг ғоявий таъсир кучи олинишини таъмин этган.

Халқ мақол ва афоризмларини асар ғоявий мазмунига сингдириб юбориш ундан ижодий фойдалана олиш тажрибаси шоирга янги ижодий имкониятлар туғдиради.

Ҳамза ўз шеърларини халқ қўшиқлари оҳангига мослаб ёзиш билан бирга ундаги лексик бўлакни – стилистик фигуралар, фикр – мисраларни танлаб олган ҳолда, у орқали ўткир юмор, аччиқ сатирик руҳни ифода этади. Натижада ҳажвий қўшиқ беихтиёр равишда халқ ўртасида кучли кулги кўзғотувчи қўшиқ сифатида қуйлана бошлайди. «Олма анорингга балли» шаклидаги рефрен мисрала миллий ашула оҳангида ёзилганини кўришимиз мумкин.

Бу типдаги поэтик унсурлар, юксак маъно ифода этувчи оригинал стилистик фигуралар ва гўзал бадиий деталларни Ҳамза шеърларининг деярли ҳар бирида учратиш мумкин.

Мавзу: Ҳамид Олимжон ижодида халқ оғзаки ижоди анъаналари.

Режа:

1. «Ойгул билан Бахтиёр» ва «Семург» дostonлари
2. Дostonдаги поэтик воситаларнинг ранг – баранглиги
3. Қаҳрамон образларнинг поэтик талқини

Таянч сўз ва иборалар: «Ойгул билан Бахтиёр» (1937), «Семург ёки Паризод ва Бунёд», Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсоналар, «Маликам Ҳусниобод».

Халқ жуда кўп афсоналар тўқиган. Уларда кишиларнинг тилак ва армонлари, кураш ва интилишлари ифодаланган. Халқимиз эришган ҳаётнинг кадр – қийматини янада чуқурроқ онглаш учун тарихий ўтмишга – меҳнат қилиб ўтган халқнинг турмушига назар ташламоқ керак. Чунки, ўтмишни қанчалик яхши билсак, яратаётган бугунимизнинг буюк аҳамиятини шунчалик чуқур тушуниб оламиз. Шу маънода Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» (1937), «Семург ёки Паризод ва Бунёд» (1939)

достонларининг ўрни каттадир.

Адиб бу икки достонни яратишида ҳам Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсоналарни халқ оғзаки ижодидан олиб ишлаган ва унга буюк бадиий камолот берган А.Навоий (га бўлган муҳаббатни алангалантирган) анъаналарига мурожаат этади. Ҳ.Олимжон халқ оғзаки ижоди материаллини ишлашда бу буюк устознинг усуллари билан бирга, ўзбек фольклорида феодалларга эксплуататорга қарши бўлган руҳни яна ҳам равшанроқ акс эттиради.

Масалан бу каби муносабатда бўлиш достонларининг муваффақиятини таъминлайди. Достонларнинг ғоявий бадиий жиҳатдан халқнинг талабларига тўла жавоб берганлиги, омманинг қалбидан муносиб жой олганлиги, меҳр – муҳаббатга сазовор бўлганлиги факти халқ билан шоир муносабатининг, уларнинг бир мақсадга хизмат қилаётганликларининг жонли ифодасидир.

Мардлик ва адолат ғоялари асосига қурилатган «Ойгул билан Бахтиёр» ва «Семург» достонларида яхшилик ва ёмонлик дунёси, адолат ва зулм дунёси, гўзаллик ва худбинлик дунёси яратилган. Бу икки дунё бир жиҳатдан Ойгул, Дархон, Тарлон, Бахтиёр ва Бунёд образларида, иккинчи жиҳатдан, Жамбул ва Жаржон мамлакатларининг хонлари ҳамда хон қизи Паризод образларида берилгандир. Достон учун асосий фольклор манбаи вазифасини ўтаган «Маликаи Ҳусниобод» эртагига Ҳ.Олимжоннинг қандай муносабатда бўлганини кузатиш қизиқ натижалар бериши мумкин.

Ҳ.Олимжон асарларининг асосий тенденцияси хоннинг – ёмонлик дунёсининг золимлигини, халқ жаллоди энанлигини аниқроқ кўрсатишдир. Шоир ўзини доимо ҳаёжонга солиб келган исёнкор халқ образини ҳамиша озодлик ва бахтга интилган халқ образини яратмоқчи. У зулм дунёсига қарши баҳодирларча курашган халқнинг тарихи билан таниш, ёшлик йилларида Жиззах халқи бошига тушган офат унинг хотирасидан ўчмаган ва, ниҳоят, у халқ идеали тантана қилган даврнинг жанли гувоҳидир.

Булар шоирни бутунлай бошқача муносабатда бўлишга, уни бадиий типиклик поғонасига кўтаришга мажбур этади. Натижада ўқувчи Ойгул билан саройда, хоннинг аҳмоқона саволларига жавоб бериш устида эмас, балки жанг майдонида, «ҳақ ва нон» талаб этиб исён кўтарган халқнинг қахрамони сифатида танишади. Ойгул хон қизи эмас. У хон зулмига қарши бош кўтарган халқ қизи. Ойгул хонни ўлдирмоқ учун эл кучини кўтаргани учун зиндонга ташланди. Бу деталлар маҳорат билан конкрет поэтик воситалар орқали кўрсатилади.

Ёзувчи умумхалқ тилини қанчалик яхши билса, тилининг битмас-туганмас имкониятларидан қанчалик усталик билан фойдалана билса, унинг асари шунчалик гўзал чиқади. Фақат халқ тилини чуқур билиш билангина, ҳаёт тажрибаларини чуқур ўзлаштириш билангина ҳақиқий реалистик асар яратиш мумкин, ҳаётини ҳақиқатнинг реалистик картинасини фақат реалистик тил орқалигина кўрсатиш мумкин.

Золим Хон билан Дархон (исёнчи) ўртасидаги диалогида Дархоннинг сўзларида зулм дунёсига бўлган халқ нафратини қалбига жойлаган доно, вазмин, ҳақ кишининг, халқ иродасининг албатта тантана қилажасига ишонган қахрамоннинг руҳи барқ уриб туради: «бБр куни сени айқармиз ва қабрга тикармиз». Золим ва маккор, қотил ва мунофиқ хоннинг ҳаракатларидан Ойгул даҳшатда: исён қилич ва қон билан бостирилган, отасининг қони азиз тупроқни бўяди, золим хон қаршисида – яқка ўзи. Лекин Ойгул ўзини йўқотмайди. У халқ қахрамонларига хос бардош билан бошига тушган фожияни қарши олади, отасининг ўзи ва ишини ишонч билан давом эттиради.

Достонда «Маликаи Ҳусниобод» эртагидаги Жаржон даласида, дарёнинг ёқасида ўтин териб юрган чол билан боғлиқ бўлган эпизодни ўчратамиз. Даставвал, ўтинчи чолнинг образига аниқлик киритилган. Чол – оддий халқ вакили, қашшоқ турмушнинг азоб – уқубатлари остида эзилган одам. Модомики шундай экан, у кишиларнинг фожиясига, хусусан, Ойгулнинг фожиясига «эртақ» дагидек енгилтаклик, худбинлик

билан қарамаслиги керак. У меҳнаткаш халқ вакиллариға хос ғазилатларни ташувчи кишининг образини гавдалантириши лозим. Бадиий реализм шуни тақозо этади.

Ҳамид Олимжон чол образини тасвирлаш орқали халқ ғожиасининг яхлит манзарасини кўрсатишга интилади. У шундай ғоявий ва бадиий изчиллик билан ёмонлик дунёсига қарши қатъий кураш олиб борган ва барча азоб – уқубатларга бардош бериб ғалаба қазонган халқ тарихини – мардлик достонини яратди.

Ойгулни хонлар ўлдиролмайдилар. У дарёда оққанда ҳам, балиқ томонидан ютилганда ҳам тирик қолади: Ойгул, Бахтиёр ва Бунёд ўлим ўлдирмайдиган – ўтда кўймас, қилич ботмас, душман ўқи ўтмас қахрамонлардир. Чунки бу қахрамонлар халқ иродаси ва қудратининг тимсолидир. Халқ иродаси ва қудратини эса енгиш – синдириш асло мумкин эмас. Шунга кўра, Ойгул ва Бахтиёр ёмонлик дунёсининг бошини мажақлайдилар. Бунёд эса халқ жаллодларини:

Қилишдан ўтказмоққа

Ўлимга ютқизмоққа.

қасам ичиб, саройдан чиқиб кетади.

Хуллас, халқ эпик асарлари асосида ёзилган «Ойгул билан Бахтиёр» ва «Семурт» достонлари фақат Ҳамид Олимжон ижодининггина эмас, балки умуман ўзбек поэзиясининг ҳам катта ютуғидир.

Адабиётлар:

1. Х.Дониёров, С.Мирзаев. Сўз санъати. Т. 1962.
2. С.Азимов. Ҳамид Олимжон (ҳаёти ва ижоди) Т. 1955
3. Ғ.Каримов. Ҳ.Олимжон. «Шарқ юлдузи» 1946. № 7-8
4. С.Азимов. Отоқли ўзбек совет шоири. «Шарқ юлдузи». 1950 № 8
5. Ҳ. Олимжон. Танланган асарлар. Уздавнашр. Т.1951.

Мавзу: Собир Абдулла драматургияси ва фольклор анъаналари

Режа:

1. «Тоҳир ва Зухра» халқ достони асосидаги драма
2. Драмада халқ ҳаёти манзараларининг акс эттирилиши.
3. «Алпомиш» драмасининг ғоявий – бадиий ўзига хосликлари.

Таянч сўз ва иборалар: Халқ достони, халқ варианты, достон, эртақ, К.Яшин, Зиё Саид, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Туйғун, Умаржон Исмоилов, Уйғун, И.Султон, Ҳ.Олимжон, Шайхзода, А.Қаҳҳор, «Тоҳир ва Зухра» драмаси, «Алпомиш».

Ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла адабиётнинг шаклан ва мазмунан ривожланишига муносиб ҳисса қўшган истеъдод соҳибларидан. У кўп қиррали ижодкор. Ўз ижодини поэзия жанридан бошлади. Қўшиқ жанрининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади. Юзлаб дилбар қўшиқларининг мауаллифи. Шеърятнинг рубоий, туюқ ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, тажрибанд, достон каби кўплаб жанрларида ҳам баракали ижод қилган. Ярим минг мисрадан иборат «Девон» тузган, салкам 50 йил баракали ижод қилган шоир.

Собир Абдулла драматургия тараққиётидаги хизматлари ҳам ниҳоятда катта. Унинг «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш», Гул ва Наврўз», «Муқимий», «Истеъдод»,

«Ҳижрон ва виждон» каби 20 ортиқ драматик асарлари мавжуд. Кўзга кўринган публицист, устозлар ижодининг тадқиқотчиси ҳамдир.

Бадий адабиётнинг мураккаб жанри бўлган драматургияни В.Г.Белинский «... поэзия таракқиётининг олий босқичи ва санъатнинг гултожидир» деб таърифлаган эди.

Ўзбек реализми адабиётининг илк мевасини берган Ҳамзадан кейин К.Яшин, Зиё Саид, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Туйғун, Умаржон Исмоилов, Уйғун, И.Султон, Ҳ.Олимжон, Шайхзода, А.Қаҳҳор каби санъаткорлар қаторида Собир Абдулла ҳам ижодининг дастлабки давридаёқ драматургия жанрига қўл урди. Бу ҳол энг аввало замон талаби, тақозоси билан юз берган эди.

Собир Абдулла 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати ва адабиёти декадасида қатнашиб бу ерда В.Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» трагедиясини томоша қилди. Драматургда энди ўзбек халқининг «Ромео ва Жульетта» сини яратиш иштиёқи уйғонди. Москвадан қайтгач, бундай маъсулият ишни бажариш учун аввал халқ ижодини ўргана бошлайди. Унинг ўзи ҳам ёшлигидан халқ ижодига қизиқар, халқ дostonларини севиб ўқир эди.

Собир Абдулла халқнинг бу ижодий хазинасини яна халқнинг ўзига қандай бўлмасин тўлиқ ва чиройли қилиб қайтариш устида ўйлади. Унинг ижод йўлида энг шуҳрат қозонган асари «Тоҳир ва Зухра» бўлди.

Ўтмишнинг жабр - зулминигина кўрган, ширин ҳаёлларга чўмишга мажбур бўлган халқ ўз ҳаёлида озод, фаровон ўлкалар, халаскор ботир қаҳрамонларни яратган. Халқ яратган ана шундай қаҳрамонлардан бири Тоҳир ва унинг севгилиси Зухрадир.

С.Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра» драмасида ўз давридаги золим ва бевафо шоҳлар ва уларнинг жабридан озор чеккан, ғуноҳсиз, эрксиз хотин-қизлар, йигитлар образлари акс эттирилган.

Маллиф Тоҳир ва Зухра, Қодир ва Қамарларнинг ҳақийқий ишқ муҳаббат эгаси эканликларини, уларнинг севги-садоқатда бир-бирларига тенг ва вафодорликлари учун улуғлайди. Шу билан бирга эрксиз халқнинг ва истибоддан кутилишига интилишлари тасвирланган. Тоҳир Хоразмшоҳ қизини ва унинг тож-тахтини рад қилади. У халқ ва мамлакатни вайрон қилаётганлардан ўч олиш ва маъшукасини қутқариш ниятида кўп қийинчиликларни енгади, золим рақиб Қоработирни ўз қўли билан ўлдиради. Бироқ зулм ундан зўрлик қилади. Тоҳир соф муҳаббат ва адолат йўлида қаҳрамонларча халок бўлади.

Зухра ҳам соф севги эгаси, у феодал хон саройида тарбияланишига қарамай, халқ тақдири масаласида Тоҳир билан ҳамфикрдир. Ёвуз замон ва унинг ҳукмдорлари ошиқ – маъшукларни бир-биридан жудо қиладилар. Сарой амалдорлари Тоҳирни йўқ этиб, Зухрани Қоработирга бермоқчи бўладилар. Бироқ Тоҳир тўй бўлаётган кунда Зухра олдига етиб келади. Золим хон Тоҳирни ўлимга буюради. Отасининг бундай разиллигига чидой олмаган вафодор Зухра:

То тирикман, сенга бўйин эгмайман.

Майли ўлдир мени, ҳеч сўз демайман.

Кўксимни ёр, адолат қил умрингда,

Тоҳиржондек ўлай, Жаллод қўлингда, - деб отасига қарши исён кўтаради.

Бироқ золим хон ўз қизининг нола – фиғонларига қарамай, уни ваҳшийларча ўлдиради. Драматург золимларга чексиз нафрат, меҳнаткаш халққа ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини кўзгатади. Асарнинг тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

Драмада Сардор (исёнчилар бошлиғи) оддий халқ вакили Нозим каби ижобий образлар, Бобохон, Моҳин, бош вазир Хусайн, Қоработир (сарой амалдорлари) каби салбий образларни яратади. Собир Абдулла яратган «Тоҳир ва Зухра» дostonи халқ яратган дoston сюжети асосида яратилган ҳолда, унга бази янгиликлар киритди. Драмада халқ ҳаётининг манзарали дostonдагидек сақланиб қолган. Лекин воқеаларнинг ўрни

достонда кенг, драмада чекланган ҳолда берилган. Драмада ижтимоий мотивлар қайта ишлаб, мазмунан бойитилган. Натижада ғоявий ва бадиий мукаммал асар яратди.

Собир Абдулла мудофаа ва жанговорлик мавзусидаги «Алпомиш» (1947) сахна асарини ёзди. Ушбу мусиқали драмага қаҳрамонлик, озодлик, садоқат ва вафо мавзуи ҳам сингдирилган. Драматург достондаги асосий мотивларни, ўлмас ва адабий эскирмас ғояларни сақлаб, уни ғоятда ихчам шаклда томошабинларга етказиш учун ҳаракат қилади. «Алпомиш» драмасининг бош қаҳрамони – халқ оммаси. Унда тарихнинг ижодчиси бўлган халқнинг куч – қудрати, юксак фазилатлари, босқинчиларга ва сотқинларга нисбатан қаҳр – ғазаби кўрсатилган. Драманинг асосий ғояси ўзбек элатининг тинч – тотувликда яшаш учун олиб борган курашини акс эттириш. Ўзбек элатининг оқсоқоли Бойсари ўз элати билан тоғ этагида тинч – тотув яшайди ва ўзи бошқа элатларда ҳам тинчлик бўлишини истайди. Драмада конфликт Бойсари ва Тойчахон, Алпомиш ва Ултанлар ўртасида содир бўлади. Алпомишни тоққа етаклаган нарсаси қаҳрамонлик кўрсатиш эмас, балки, элни, чорвани душмандан сақлаб қолиб, элатда тинчлик ўрнатиш эди. Алпомиш элатдан кетгач, сотқин Ултон (Алпомиш ўғай отаси) туфайли элат халқи оғир аҳволга тушади. Ултон Алпомишнинг севгилисини ўзига тортиб олиш ниятида душманга сотилиб уларга Алпомишни тутиб бермоқчи бўлади ва хийла – найранг билан Алпомишни тутиб келтиради. Лекин халқ ва вофодор дўсти Қоражон туфайлигина Алпомиш дор остидан қутқарилади. Энди Алпомиш никоб остида ёвга қарши кураш олиб боради. Алпомишнинг синглиси душманлар пойгасига қўйилади. Бунда ҳам Алпомиш майдонда куч синашиш учунгина эмас, балки синглиси Қалдирғочни, бу билан элининг ор номусини сақлаб қолиш учун пойгада қатнашади. Алпомиш драмада Ватанни ҳимоя қилувчи ва қийинчиликларни бортирларча енгувчи меҳнаткаш халқнинг типик вакили сифатида гавдаланади. У драманинг бошдан охиригача элининг қайғусини ўз қайғуси деб билиб халқнинг озодлиги, қабиланинг манфаати учун қайғуради. У халқни ҳар қандай қийинчилик даврида ҳам умидсиз бўлмасликка чақиради:

Умидсизланма, дунёдан ўтар хон ҳам, гадолар ҳам,

Яшар эл билан ким бўлса эл албатта, ўлмас у.

- дейди у. Драмада Алпомишнинг Барчинга муҳаббати халқ ҳаёти билан боғлиқ ҳолда тасвирланган. Уларнинг севгиси эл бошига тушган кулфатларда, офатларда тобланади. Ошиқларнинг мақсади элининг тинчлиги, мустақиллиги учун курашишдан иборат. Собир Абдулла талкин қилган Барчин характерининг мукамаллиги, тилининг равонлиги билан драматургиямизда муҳим ўрин эгаллайди. Барчинда ҳам Зухрада бўлган барча ижобий ҳислатлар мавжуд. Барчин Алпомиш йўқлигида руҳий тушқинликка тушмайди. У қиз бўлишига қарамай, Ватанни ҳимоя қилиш учун қўлига қилич ушлаб душман билан мардларча курашиши билан Зухрадан фарҳланиб туради.

Умуман, Собир Абдулла «Алпомиш» достонининг сюжетида сира ҳилоф қилмаган ҳолда мазмунини тўла сақлаб қолиб, сахна асарини яратди.

Адабиётлар:

1. С.Абдулла. Ҳаёт гулшани. Т. 1959.
2. Сайёдий.Тоҳир ва Зухра. Т. 1960.
3. Малахат Абдурахмонова. Собир Абдулла . Т. Фан . 1980.
4. С.Абдулла. Давр қўшиқлари. Т. 1949.

Мавзу: Комил Яшин ва халқ оғзаки ижоди

Режа:

1. Анъанавийлик, халқчилик ва маҳорат
2. Яшин драмаларида бадиий тасвирий воситалар
3. «Равшан ва Зулхумор» драмаси ва фольклор
4. Драманинг ғоявий – бадиий ўзига хослиги

Таянч сўз ва иборалар: драматург, танқидчи, халқ дили, Гулсара, халқ кўшиқлари, Нурхон, Йўлчи юлдуз.

Халқнинг ўтмишини билишда энг асосий манбалардан бири асрлар оша бизга қадар етиб келган халқ дурдоналаридир. Ёзма адабиёт халқ оғзаки ижодидан бошланди, бошқача айтганда, у халқ оғзаки ижоднинг давоми, ижодий ривожлантирилиш, тараққиётнинг юксак босқичи сифатида бунёдга келди.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг ўтмишини ўзида акс эттирган, коллектив (жомоа) томонидан кашф этилган ижод хазинасининг ёзма адабиётга кўрсатиб келаётган таъсирини, ёзма адабиётни ривожлантиришдаги ролини очик, равшан ҳал эта бориш орқалигина, реализм адабиётининг шаклланиши, равнаки, фазилатлари ҳақида тўғри ва изчил илмий – назарий фикрлар айта олишимиз мумкин.

Комил Яшин ўзбек драматургияси ва санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган калам соҳибидир.

Халқ оғзаки бадиий ижодининг қадимий ва сермахсул турларидан бири бўлган кўшиқ халқнинг ички кечинмаларини, ўй – хаёлини, орзу – истагини, кечмишини ўзида акс эттириб келган. Кўшиқ ҳаётда рўй берувчи ҳар қандай ҳодисага, у қувончлими, ёки даҳшатлими қатъий назар ҳозиржовобдир. Драматург Яшин ана шундай хусусиятга эга бўлган ўзбек халқ кўшиқларидан ўз асарларидаги образларнинг характерини очишда ва ўз пьесаларини ғоявий –бадиий жиҳатдан янада кўтаришда унумли фойдаланди. Айниқса, хотин – қизлар образлар озодлигича бағишлаб ёзган **«Гулсара» ва «Нурхон»** мусикали драмаларида халқ кўшиқларини усталик билан сингдириб юборган. Масалан, «Гулсара» асар бошида сахнада кўзга ташланган Асалхон озод, хур ва фаровон ҳаётни мадҳ этади. Унинг ашуласи озодлик нуридан баҳраманд бўла бошлаган, паранжичимматга қарши ўт очишга муваффақ бўлган, К. Яшин озодлик жарчилари-биринчи очилган хотин-қизлар кайфиятини беришда устоз Хамза қўллаган халқ услубидан мохирона фойдаланган.

«Нурхон» мусикали драммасида ҳам асосий образлардан ташқари, Нурхоннинг дугоналари, озодлик нуридан баҳраманд бўлган бахтиёр қизлар образи реал акс эттирилган бўлиб, улар ҳам янги тузумдан, ватанидан миннатдорлиги, уларнинг тилидан келтирилган халқ кўшиғида ҳам ўз аксини топган.

Оҳ, на гўзал боғу баҳор, ўргилай,
Ҳар ёнимиз олма –анор ўргилай,
Сайр этамиз қўлда дутор, ўргилай,
Бахту қуёш бизларга ёр ўргилай.

Кўринадик, драматург халқ кўшиғини персонажнинг ҳолатига мос равишда, қайта ишлайди ва ахлоқ мавзусидаги терма драматург ижодий лабораториясида сайқал топиб, персонажнинг ўз ҳаётидан мамнунлигини, шодлик онини ифодалашга хизмат қилади.

Маълумки, оналар ўз боласини, «алла» айтиб ухлатиш жараёнида ўз қувончи, дардини, ички кечинмаларини ҳамма вақт кўшиқ қилиб айтиб келганлар. Бу анъанавий «алла» кўшиқлари К.Яшинни ўз қаҳрамонининг руҳий ҳолатини, дард – аламини, қалбини томашабинга очиб солишда қўл келган. Масалан, «Гулсара» да ўз ёридан, бахтиёр турмушидан жудо бўлган Гулсаранинг дарду алами «алла» орқали очиб берилади. Шунингдек, К.Яшин халқимизнинг аскиябозлик, қизиқчилик анъаналаридан «Тор – мор», «Нурхон», «Офтобхон», «Генерал Раҳимов» каби драмаларида фойдаланиб,

ҳаётийлигини, халқчиллигини оширади, характерларнинг шаклланишига, воқеликнинг ойдинлашишига, томошабинларнинг эстетик завқини оширишга эришди. Бундан ташқари, Яшин ўз драмаларида характерлар тилини индивидуаллаштиришда муҳим омил бўлган халқ мақоллари, фразеологик бирикма ва бадиий тасвирий воситалар – муболаға, ўхшатишлардан ҳам кенг ва ўринли фойдаланди.

Яшиннинг 1956 йилда ёзилган «Равшан ва Зулхумор» драмаси халқ ижоди асарларидаги сюжетдан давр талабига мувофиқ ижодий баҳраманд бўлганининг ёрқин далили, халқ ижодига бўлган муҳаббатининг ифодасидир. Ўз даври талабидан келиб чиққан ҳолда ватанпарварлик, халқпарварлик, дўстлик ва севгига садоқат, душманга қарши нафрат руҳи бўртиб турибди.

Ушбу драма Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Равшан ва Зулхумор» достони асосида ёзилган бўлса – да, дostonнинг драматик усулда қайта ёзиб чиқилиши бўлиб қолмаган, балки, драматург дostonга ижодий муносабатда бўлган.

Равшан – дostonида ҳам, драмада ҳам асосий ва етакчи қаҳрамон ҳисобланади ва икки асарда ҳам воқеа асосан Равшан характери билан боғлиқ ҳолда руёбга чиқарилган. Комил Яшин «Равшан ва Зулхумор» драмасида ўз олдига қўйилган – ватанпарварлик, халқпарварлик, чин муҳаббат, ёрга садоқат, душманга нафрат ва унга қарши қаҳрамонона кураш ғоясини ифода этишга, шунга мувофиқ сюжет линияси танлашда, драматизм ва конфликтни юзага чиқаришда, образларни тип даражасига кўтаришда, ғояни юзага чиқарувчи характерларнинг индивидуаллигини таъминлашда халқ ижоди материалларидан ижодий баҳраманд бўлди, халқ ижоди асарларидаги воқеликни сақлаган ҳолда уни ҳаётга яқинлаштирди, унга замон нафасини олиб кирди.

Фольклор материаллари асосида яратилган драмаларда сюжетнинг, образларнинг қайта ишланишида драматургнинг эришган муваффақиятлари шундаки, улар халқ ижодидаги дoston ва эртакларга ижодий муносабатда бўлар экан, биринчи навбатда, драматик турнинг ўзига хос хусусиятига риоя қилган ҳолда иш тутди, натижада, асосан драмаларда эртак ва дostonлардаги эпик тасвир ўрнини ҳаракат эгаллади, халқ ижоди асарларидаги воқелик асосида ётган драматизм ва конфликт драмаларда характерлар тўқнашувидан руёбга чиқарилди. Асардаги олға сурилган ғоя, фақат бадиий дид билан ёритилгандагина, бадиий баркомолликка эришилгандагина драматургнинг халқ ижодига ижодий муносабатдаги новаторлигини намойиш эта олади. Шу жиҳатдан, драматург К.Яшиннинг, «Равшан ва Зулхумор» драмасига, ёндашар эканмиз, драматургнинг халқ ижоди асарларига, уларнинг сюжетида ижодий муносабатда бўлиб, улардаги ижтимоий мотивларни янада чуқурлаштирганлигини кўрамыз. Натижада, эллигинчи йилларга хос бўлган (ҳозирги давримизга ҳам) эрксевар элларнинг босқинчиларга қарши курашда ўзаро ҳамкорлиги, озодлик нуридан баҳраманд бўлган элнинг зулмат қўйнидан ёруғлик сари интилган эрксеварларга чўзган ғамхўрлик қўлини драмадаги воқеадан ҳис этамыз. Бу воқеа муаллифнинг олдига қўйилган мақсади юксак бадиий дид билан (бу персонажларнинг реал ҳаракатида ва ўзига хос нутқида яққол кўринади), кескин драматизм ва конфликт асосида амалга оширилади.

Ёзма адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабати, халқ ижодини ёзма адабиётга таъсири масаласи кенг ва кўп қиррали бўлиб, бу соҳа бўйича тадқиқот олиб бориш, ўз навбатида ёзма адабиётнинг пайда бўлишида катта роль ўйнаган ва илдиз вазифасини ўтаган халқ ижодига муҳаббатнинг натижасидир.

Бошқа сахна асарлари билан бир қаторда фольклор материаллари асосида яратилган драмаларнинг ҳам ўзбек сахнаси тараққиётида хизмати катта бўлди.

Адабиётлар:

1. М.Азимова, А. Солиев. Ижод сабоқлари. Т. 1979 й
2. Л.Қаюмов. Ҳамзанинг издоши. Меҳнат ва турмуш. 1970, №1.
3. К.Яшин. Асарлар. Тўрт томлик. Ғ.Ғулом. Адабиёт нашр. Т. 1971 – 1972 йй.
4. Ҳ. Абдусаматов, М. Саматов. Яшин. (Ҳаёти ва ижоди) моногр. Т. 1964 й.
5. М. Қўшжонов. Ҳаёт ва нафосат. Т. 1970 й.

Ўзбек классик шеърини жанрлари.

Адабиёт тарихи адабий тур ва жанрлар тарихи ҳамдир. Адабий жараён маълум адабий тур ва жанрларни вужудга келтиради, шакллантиради, такомиллаштиради. Адабий алоқалар адабий жанрларнинг кенгроқ ёйилиши, умумлашувига олиб келади. Навоий ижоди билан ўзбек назми ҳам камол топди, тур ва жанрлар бойиди, дostonчиликда фалсафий – дидактик (Хайратул – аброр), ишқий – романтик (Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнун), саргузашт (Саббаи сайёр), қаҳрамонлик – жангнома (Садди Искандарий) ва фалсафий (Лисон ут – тайр) дostonлар, лирикада – 14 жанрда, бадий насрда – ҳикоя, манокиб ва бошқалар яратилди. Ўзбек адабиёти бошқа халқлар – туркий халқлар, эрон ва араб тиллари гурупуларида сўзлашувчи халқлар адабиёти билан алоқада ўсди, такомиллашди. Муштараклик адабий жанрларга, шунингдек, ҳамсачилик ва бадий наср жанрларига ҳам хосдир.

Ғазал мумтоз адабиётнинг етакчи жанрларидан, лирик жанрларнинг муштарак хусусиятларини ўрганишда муҳим манба.

Ғазал – арабча сўз, маъноси хотин кишига хушомад қилмоқ, ошиқона муносабатда бўлмоқдир. Кейинчалик бу сўз термин сифатида ишқ – муҳаббат куйланган лирик шеърга нисбатан татбиқ қилинган. А.Жомий асосий мазмунини муҳаббат, ошиқнинг кечинмалари, айрилиқ азоблари, висол шодлиги ва бошқалар тасвиридан иборат, деб билади. А.Навоий фикрича, ғазалиётнинг етакчи мавзуи «дард ва сўз» (ишқ ва ишқ оташи) дир. Лекин, унинг ғазалиёти тематикаси ғоят кенг ва ҳилма – ҳилдир, новатор – ғазални ғоявий – бадий такомиллаштирди.

Форс – тожик поэзияси: Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий, Камол Хўжандий, Абдурахмон Жомий, Мирзоабдулқодир, Бедил.

Ўзбек ғазалнавислари: Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Қабул Муҳаммад (хафт кулзум – 7 денгиз) – XIX асрда ҳиндистонлик олим ғазалнинг формал хусусиятларин кўрсатган. Мазмуни: «Ғазалда етакчи масала севгилининг жамоли зикри, севгилининг чиройини сифатлаш ҳамда ошиқнинг кечинмаларини тасвирлашдир. Панд – насихат шърнинг бошқа турларида зикр этилади». Ундан олдинги, ва кейинги шоир ва олимлар ғазални тор маъюда тушунганлар. Форс – тожик ва ўзбек халқининг қадим дўстлиги ва ҳамкорлиги – адабий алоқа **ф-т** ғазалияти таъсири.

Ғазал фақат ишқий мазмунга эга дегани, ҳақиқатга тўла мос эмас.

Саъдий ва Ҳофиз ғазалиётида янги мавзу, ғоя ва образлар пайдо этди. Чунончи, ўлар ғазалга ҳаёт ва муҳаббат, май шодлик, табиатнинг гўзал тасвири, панд-насихат, адолатсиз ҳаёт тасвири, ундан шикоят, бахт ва бахтли замон ва бошқа ғоя ва мавзуларни олиб кирди. Янги образлар: ориф, ринд, золим шох, риёкор шойх, воиз пайдо бўлди.

Худди шунга ўхшаш ғоявий – тематик хусусиятлар тақомилини ўзбек ғазалиёти тарихида ҳам куриш мумкин: Носириддин Рабғузий, Хоразмий, Сайфи Саройи, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Атоий, Саккокий ғазаллари учун асосий мавзу дунёвий муҳаббат ва у билан боғлиқ масалалар эди. Бироқ, Лутфий ва айниқса, Навоий ғоявий –

тематик чегарасини жуда кенгайтирди. Ғазалиётда ижтимоий ҳаётий воқеяларни акс эттириши, фалсафий, ахлоқий – таълимий ғояларни ифодалашда янги образлар галереясини вужудга келтирди ҳатто сатирик ва юмористик ғазаллар пайдо бўлди. Ғазал ҳам бошқа лирик тур ва жанрлари сингари, кишининг ички ҳис – туйғуларини ифодалайди, унда ҳаёт воқеа – ҳодисаларига бўлган шоир муҳосабати лирик қаҳрамон ички кечинмаларининг бугун қарама – қаршилиги, тўлалиги, теранлиги орқали берилади.

Ғазал – шарқ шеърияти – қасида, рубоий, туюқ, таржиъбанд, таркиббанд, қитъа, фард, муаммо, чистон ва ҳ. хос ғоявий – тематик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бир жанр. Демак, ғазал улардаги ҳамма фикр ва кайфиятни ифодалай олади. Яна, ғазал мусиқа санъати учун хизмат қилади.

Ғазалнинг формал – поэтик хусусиятлари деганда, унинг қофияланиш усули, матлаъ ва мақтаъ, байтлар сони, таҳаллус қўлланиши, композицияси, ғазал хиллари ва б. назарда тутилади. Қофия схемаси. Одатда, ғазал а-а схемасида қофияланган матлаъ (мабдаъ) билан бошланади. Ундан кейинги байтларнинг жуфт мисралари матлаъ билан қофиядош бўлади. Охирги байт мақтаъ деп аталади., аксар ҳолларда худди шу байтда шоирга таҳаллуси берилади. Масалан, 7 байтли ғазалнинг қофияланиш схемаси: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а, ж-а.

Матлаъ (а-а) одатда, битта бўлади. Кўпинча матлаъ ғазалнинг асосий мавзусини белгилайди. Ундан кейинги байтлар матлаъда айтилган фикрни изохлайди, ривожлантиради, кенгайтиради, тўлдиради. Ғазалнинг мақтаъи унда айтилган фикрларга яқун ясайди. Таҳаллус қўллаш: бир – бирдан ажратиш учун. (байт – икки мисрали, бир банд).

Ғазалнинг ҳажми. Қабул Муҳаммад: ғазал 5-15 байт доирасида тургани маъқул. А.Навоий 7 ва 9 байтли ғазал кўп ёзган. Белинский: лирик асар оний бир сезгидан туғилгани учун узун бўлолмайди ва бўлмаслиги керак, акс ҳолда у совуқ ва сунъий бўлади. Ғазал композицияси 2 хил бўлади: 1) Пароканда ғазал, 2) Воқеабанд (сюжетли) ғазал.

Пароканда (яъни маълум бир воқеа – сюжет асосига қурилган), ҳар бир байт ўзига мустақил, тугалланган бир мазмунга эга. Воқеабанд (якпора ё мусалсал) маълум силсилага тушган ҳаётий воқеалар.

Ўзбек ғазалиётининг вужудга келиши.

Ғазал жанр сифатида энг аввал араб поэзиясида мавжуд эди. Бадиий асарнинг мавзуи ва ғояси унинг жанрини белгилайди. Бу жанрнинг шаклланишида Лутфийга қадар ўтган шоирлар ва Мавлоно Лутфий катта ўрин тутди. Ўзбек классик адабиётида ҳам худди форс-тожик, озарбайжон классик адабиётида бўлгани каби, ғазал феодал – сарой доирасидан кўра саройдан ташқари адабий муҳитда кенгроқ тарқалган эди. Атоий, Саккокий, Лутфий ижоди бунинг далилидир. Лутфий, аввало, ғазалнавис шоир (муҳаббат мавзуи, ижтимоий норозилик мотиви).

Илк ўзбек ғазалиётидан тортиб, кейинги вақтларгача яратилган ғазаллар кўпроқ арузнинг рамал баҳрида ёзилган, кейинчалик ҳам етакчи бўлиб қолаверди масалан: А.Навоий **2600 ғазалидан** 1600 яқини шу вазнда, ҳатто, Ғ.Ғулом, С.Абдулла, Чархий, Э.Воҳидов ғазаллари шу вазнда.

«Шундай лирик асарлар борки, уларда поэзияни мусикадан ажратиб турувчи чегара йўқолиб кетади» (В.Белинский). Ана шундай лирик асарлардан – ғазал. Ўзбек классик поэзиясида илк ғазал намуналарини Хоразмий яратган («Муҳаббатнома»).

Ўзбек ғазалиётининг етакчи тарақиёти тенденциялари. Ўзбек классик ғазалиёти тараққиёти босқичлари:

1. XIV – XV аср биринчи ярми ўзбек ғазалиёти

2. XV аср иккинчи ярми ва XVI аср ўзбек ғазалиёти
3. XVII – XIX аср ўрталаригача бўлган ўзбек ғазалиёти
4. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалиёти

I – даврда асосий ғоя – инсон, унга бўлган муҳаббат. Атоий, Саккокий, Лутфийлар учун инсон дунёда ҳамма нарсадан улуғ ва мукаррамдир. Инсонга бўлган оташин гуманистик муносабатлар, муҳаббат мавзуини куйлаш орқали берилади. Муҳаббат улар талқинида оддий инсоний эҳтирослик доирасидан чиқиб, маълум фалсафий категорияни ташкил қилади. Улардаги муҳаббат маҳбубага, реал дунёга, унинг гузаллигига, умуман ҳаётга бўлган севги тажассумидир. Шоир ўзининг ижтимоий, сиёсий, фалсафий, эстетик қарашларини, илғор ғояларни, дунёвий севги қобиғига ўраб баён қилиши мумкин эди. Хarakterли хусусияти – **халқ оғзаки ижодидан озиқланиши**: бадий воситалар – ўхшатиш сифатлаш, кочирим, қарғиш, лексик бирикмалар, доимий эпитетлар, мақол ва маталлар жуда кўп учрайди.

II давр - янги тараққиёт босқичига кўтарилди, адабий тур ва жанрлар такомиллашди. Ғазал энг тарқалган формага айланди. А.Навоий ўзбек ғазалиётининг буюк аловбардори (илғор) бўлди. У ўз ижодини ғазалдан бошлади. Бобур «ҳеч ким онча кўп ва хуб айтқон эмас».

Алишер Навоий. XV асрнинг иккинчи ярми.

Ўзбек адабиёти янги тараққиёт босқичига кўтарилган давр. Ғоявий – бадий жиҳатдан юксак асарлар, адабий тур ва жанрлар такомиллашди. Ўзбек ғазалиётининг буюк яловбардори (илғор) бўлди. Ижодини ғазалдан бошлади.

Профессор. Ҳамид Сулаймон: Навоий ўзбек тилида 2600 ортиқ ғазал яратган.

Бобур: «Туркий тил билан ҳеч ким кўп ва хуб айтқон эмас».

Навоий ғазалнинг тематик доирасини кенгайтди. Севги мавзуси чинакам кенг ижтимоий – фалсафий категория бўлди. Ғазаллар шоирнинг фалсафий, ижтимоий, сиёсий ва ақлоқий таълимий қарашларининг бадий тажасуми (муҳассами).

Ўзбек адабиётида дастлабки ҳажвий ғазалнинг асосчисидир, образлар галереясини кенгайтди ва бойитди. У ошиқ, ёр ва рақиб образлар билан чегараланиб қолмади.

1) Ғазалда бош қаҳрамон – Навоий XV аср улуғ мутафаккири ва маданият арбоби, олим ва санъаткор сифатида гавдаланади.

2) Шоҳлар (кўпроқ салбий), шайх ва зоҳидлар (сатирик) ва бошқа ижтимоий табақадаги кишилар.

3) Н. Маллаев: «Навоий маълум воқеани акс этирувчи шеър - воқеабанд ғазаллар битди, реализм тенденциялари ривожлантирди, ғазалнинг вазн хилларини кўпайтириб: ҳазаж, ражаз, рамал, мунсарих, музориъ, муҳтасас, сари, ҳафиф ғазаллар битди»

Навоий новаторлиги, аввало, образлар тизимида кўринади. Ошиқ маъшуқа ва рақиб образлари онги кенг ва ҳар тарафлама ёритилган ринд (эркин фикр юритувчи), мутафаккир каби ижобий қаҳрамонлар, шайх, зоҳид, воиз (диний мазмундаги нутқ), фақиҳ муҳтасиб, адолатсиз шоҳ каби салбий образлар.

Навоийга қадар қаҳрамон ошиқ пассив бўлса, Навоий ошиқи жасоратли, ўз қадрини билувчи, вафо ва муҳаббат изловчи, садоқатли, фидокор этиб тасвирланади. Масалан, бир ғазалида (44 бет) ошиқ муҳбубаси унинг севгисига севги билан жавоб бермайди. Шунинг учун ошиқ ўзининг садоқатли, мунис – кўнглига мурожат қилади ва ғазал охиригача бағри тош маҳбубадан гинасини баён этади, ёрдан меҳрибон ва вафодор бўлишини талаб этади. Бевафо ва садоқатсиз ёрдан воз кечишни авло (афзал) кўради.

Навоий маъшуқа образини анча ҳаётийлаштирди, том маънода маҳбуба ҳолига келтирди: ички ҳам ташқи кўринишини (хуну малоҳати, кийиниши) шундай чизадики, ҳажвий ғазалларда сарлавҳаси бўлмайди. Маҳбуба мавҳум бир маъшуқа бўлмай, XV аср муҳити, ҳаёти, урф – одати, кийим – кечаги билан конкрет бир инсон. Ғазал (45 – бет):

махбуба портретини чизишдаги махбуба зулфи таърифини айтиб тугатиб бўлмайди. Ёрнинг қип – қизил лаблари ғунчага ўхшайди, у сочларига бурунчак (попук – безак)лар қадаган, юришлари каклик (сайроқи куш) хиромишни (юриш) эслатади.

XV аср ўзбек қизлар портрети.

Навоийда салбий образлар: шоҳ, воизлар, зоҳид (суфий) қиёфасини фош қилувчи байтлар, шеърлар бор.

Навоий ғазални ҳаётга яқинлаштирди, ростгуйликни, ҳақиқатни сўзлашни ўзига шиор қилиб олган эди (реалистик тенденция).

масалан: Сўзда Навоий не десанг, чин дегил,

Рост наво, нағмаға (куй, мусиқа) таҳсин дегил.

Навоий ғазали хизматларидан яна бири, у ғазалдаги байтлар сирасини (мунтазам қатор, тартиб) қатъийлаштирди. У асосан 7, 9 ва 11 байтли ғазаллар битди. «Ғазал энг камида 7 байтдан иборат бўлмоғи керак деди. Хозийкул – маоний» ғазалидан 1700 дан ошиғи 7 байтли: Бунинг сабаби мусиқа билан боғлиқ.

XV аср иккинчи ярми ва XVI аср (ёки ўша даврда) ўзбек ғазалининг иккинчи буюк вакили Заҳириддин Муҳаммад **Бобур**. Ўз лирикасида Лутфий ва Навоий анъаналарини давом эттирди, улар ижодидаги юксак инсонийлик, чинакам дунёвийлик, ҳаётга муҳаббат, оташин севги мотивлар Бобур лирикаси учун ҳам асос бўлди. Масаланм, диёр ва унга бўлган оташин севги мавзуи – асосий ўринда. Бобур мероси тадқиқотчилари: Ҳ. Ёқубов, М.Шайхзода, В.Заҳидов, Маллаев. Бобур «ёр» билан «дунё» ни ўзвий боғлайди. Шоир ватанни кўпинчи севимли «ёр» образи орқали тасвирлайди, бири орқали иккинчисини ифодалайди.

Бобурнинг шахсий ҳаёти, туғилиб ўсган диёридан узоқ тушиши ғариблиги ва юртни кумсаши диёр мавзуига сабаб бўлди. Яна Бобур ғазал тилини халқ тилига тагин ҳам яқинлаштирди. Тилининг соддалиги: қийин сўз, ибораларни кам ишлатади, қофия ва радиф (қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўзлар) ларни соф туркий сўزلардан тузади («Девон» - 114 ғазал бор).

XVII асрдан XIX аср ўрталаригача бўлган ўзбек ғазалиёти.

Бу даврда ғазал ўзининг олдинги роли ва аҳамиятини сақлаб қолди, янада камол топди. Навоий анъаналари асосида тараққий этди.

Реакцион адабиёт вакиллари: Аҳсаний, Сўфи Аллоёр, Адо.

Прогрессив ғазалиётидаги янги ижтимоий масалалар, публицистик, гражданлик мотивлар муҳим янгилик эди.

Публицистик ғазаллар дастлабки намуналари Машраб ижодида кўрамиз. Унинг дунёқарашидаги исёнкорлик руҳи ғазалларида ёрқин акс этди. Ёзувчиларга нафрат туйғулари. Маълумки, Машраб дунёқарашида қарама-қаршиликлар билан тўла, мураккаб эди. Бу нарса у яшаган даврнинг мураккаблиги, қарама-қаршилиги билан изоҳланади. Масалан: Дунё ғамхона, меҳнатхонадир. Одам қанчалик ҳасрат (азоб) ўтида куймасин, у жаҳон ичра бир мушфиқ (шафқат қилувчи) ҳамроз (сирдош) тополмайди. Ҳаётда кўпгина гумроқ (одашган) кишилар борки, улар дунёда бойлик тўплаш учун яшайди. Шуларнинг ҳаммаси лирик қаҳрамон – Машрабни ҳаяжонлантиради, ғамзада қилади, нодир ҳаётдан қутулишни ўйлайди. Лекин ўйлари паришон, қарама-қарши .

Худди шу даврда яна бир тенденция-Навоий бошлаб берган анъана ҳажвий ғазаллар тараққий этди: Турди, Гулҳаний, Махмур.

Бу даврдаги ҳажвий ғазалиётнинг бадиий хусусиятлари:

1. Анъанага кўра ҳажвий ғазалларнинг сарлавҳасини бажаради. Бироқ бу даврда яратилган кўп ҳажвий ва юмористик ғазалларнинг сарлавҳалари бор.
2. Эндиликда конкрет, реал бир шахс образини реалистик тасвирловчи ҳажвий ғазаллар ҳам пайдо бўлди.
3. Бу даврда фош этилаётган кишининг ўз номидан (икрор бўлиши) ёзилар эди.

Бу даврдаги ўзбек ғазалчилиги озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий ижодиёти катта таъсир этди. Айниқса, Вафоний, Турди, Машраб, Роқим, Равнак, Андалиб, Нашотий, Мужрим Оби ва Мунис ғазалиётида кўриш мумкин. Ҳатто, XIX асрда Нодира, Увайсий, Ғозий, Гулҳаний, Махмурлар Фузулий анъаналарини давом эттирдилар.

XIX аср иккинчи ярми Туркистонда катта ижтимоий – сиёсий воқеаларга бой давр бўлди. 1853 – 1876 йилда Ўрта Осиё чор Россия томонидан босиб олинди. Халқ икки ёқлама зулм – колониал ва миллий зулм остида қолди. Натижада иқтисодий аҳвол жуда оғирлашди. Феодализм ўзаро урушларга хотима берди.

Прогрессив позициядаги маданият арбоблари: Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш, Абай, Олтинсарин, Бердах тўғри баҳолади, маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилди. Кейин улар сафига Ҳамза, Айний, Авлонийлар қўшилди.

Аваз Ўтар маърифатпарварлик ғазаллари («тил»); Ҳамза («Кимда дониш бўлса», «Ўқи», «Илм иста», «Китоб») танқидий реализм ривожиди: Муқимий, Завқий, Аваз – ярамасликларни, ҳукмрон синф кирдикорлари, руҳонийларни фош этиб, типик характерлар яратдилар. Танқиди реализм ижоди методи яратилди. Янги образлар пайдо бўлди, тилдаги янгиликлар, халққа яқин, тушунарли тил – демократик адабиётдаги – ҳодиса.

Ўзбек ғазалиёти классификацияси

- | | |
|------------------------|-----------------------|
| 1. Оддий ғазаллар | 6. Ғазали мувашшаҳ |
| 2. Ғазали ҳусни матлаъ | 7. Ғазалий мушоира |
| 3. Ғазали қитъа | 8. Ғазали зуқофиятайн |
| 4. Ғазали мусажжаъ | 9. Ғазалий зебқофия. |
| 5. Ғазали муламмаъ | |

Оддий ғазаллар: Классик ва ҳозирги замон ғазалчилигимизда энг кўп тарқалган ғазаллар: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, ва ҳ.к.

Ғазал бошқа турларига ўзак, замин бўлди.

Ғазали ҳусни матлаъ: Ғазал матлаи (биринчи байти) ва ундан кейинги байт ҳам тўла қофияли, яъни ғазал қўшматлалаи бўлади. «Ғазал мулкининг султони» (М.Шайхзода ибораси) Навоий бошлаб берган.

Ғазал қитъа: Шаклан қитъага ўхшайди. Ғазалнинг матлаи қитъадагидек ўзаро қофияланмаган бўлади. Навоий замонасида жуда кам яратилган (Ҳамза «Ўқи», «Мактаб», «Қалам» каби).

Ғазали мусажжаъ: (сажли ғазал) асосий қофиядан ташқари ички қофияларга ҳам эга. Халқ оғзаки ижоди намуналарига яна ҳам яқинлаштириш, эслаб қолишини осонлаштириш ва халқ куйларига мослаштириш истагидан келиб чиққан. Навоий, Муқими, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Фурқат.

Ғазали муламмаъ. Арабча-ҳар хил рангга бўяш, бўялган адабий тилда, термин сифатида икки (ёки ундан ортиқ) тилда ёзилган шеър (демак, тил жиҳатидан ранг баранглик). Маълумки, ўзбек адабиётининг кўп вакиллари зуллисонайн икки тил эгаси эдилар. Хоразмий, Лутфий, Навоий, Гулҳаний, Махмур, Мунис, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Муқими, Фурқат, Мирий, Ҳамзалар ўзбек ва форс – тожик тилида шеърлар битган. Мулламаъ, асосан XVII, XVIII ва XIX асрларда кенг тарқалган. (Машраб)

Тилларининг нисбати алмашиб келиши жиҳатидан бир неча турда бўлиши мумкин: бир байт бир тилида, иккинчи байт бошқа тилда, бир мисра бир тилда, иккинчиси бошқа тилда ва ҳоказо.

Ғазали мувашшаҳ. арабч. боғламоқ, зийнатламоқ-термин сифатида махсус усул – санъат бўлиб, шеърнинг байт ёки мисралардаги биринчи ҳарфлар олиб тизилса, уларнинг бирикмасидан маълум бир исм – сўз ҳосил бўлади. Бу усул ғазал, мураббаъ, мухаммас ёки бошқа жанрлардаги шеърларда қўлланиши мумкин. Греklar бу шаклни «акростих» деган.

XIV – XVI аср ўзбек адабиётида мувашшаҳ учрамайди. XII асрда муаммо жанри шеърятда деярли қўлланмади. Бу жанр гўё «ўтмишга» айланди.

XVIII – XIX аср лирик поэзияда янгилик қидиришга интилиш қадимги шакллари қайта тиклашга ўриниш кучайди. Ғазали мувашшаҳда: Мунис, Огаҳий, Увайсий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Мирий, Ҳамза.

Ғазали мувашшаҳда киши исми 2 хил йўл билан ифодаланади.

1. Ғазал байтларидаги тоқ (1,3 ва х.) мисралар биринчи ҳарфлари.
2. Ғазалдаги қофиядош мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади.

Мувашшаҳда айрим шоирлар ғазали охирида маълум бир ишора билан киши номини қандай қилиб топиш мумкинлигини кўрсатадилар. Масалан, шоира Увайсий қофияли (сонли) мисраларнинг биринчи ҳарифлари қўшиб ўқилса, исм чиқишига ишора қилади.

Ғазали мушоира. «Мушоира» - икки ёки ундан ортиқ шоирнинг ўзаро шеърий суҳбати маъноси ёки биргаликда шеър ёзмок. Мушоиранинг 2 тури: мушоира, мушаирам мусаммат каби турлари бор. Мусаммат ҳам мушоиранинг бир кўриниши, лекин фарқи бор.

Фарқи: Мусамматлар яратилаётганда, иккинчи автори бевосита иштирок этмайди.

Ғазали зуқофиятайн. Энг кам учрайдиган тури. Икки қофияли, илк намунаси А.Навоий ижодида яратилган. Кейинги бошқа шоирлар. Ғазали зебоқофия. Энг кам учрайдиган тури. Худди матлаъ каби а-а, а-а, а-а, а-а схемада қофияланади. Оддий, нисбатан икки барабар кўпроқ қофия керак бўлади. Аҳмадхўжа ас-Саройи, Сайфи Саройи шеърятда учратилди, холос.

А.Навоий (қўшимча)

Гарчи Навоий ғазаллари ғоявий – тематик жиҳатдан асосан: ошиқона, орифона ва риндона (қаландарона) гуруҳлари ташкил этса-да, унда ғазалнинг шоир салафлари ёзмаган янги ғоявий – тематик турлари учрайди.

А.Ҳайитметовнинг, «Навоий лирикаси» асаридаги «Навоий лирикасининг тематик хусусиятлари» бобида: 1) Ишқий. 2) Сўфиёна. 3) Май темасидаги. 4) Сатирик. 5) фалсафий. 6) Ватанпарварлик. 7) Пейзаж (баҳор) гуруҳларга ажратади.

Ошиқона ғазаллар. Энг кенг тарқалган тури. Ёр жамоли тасвири, жафокорлиги, олижаноб, юксак муҳаббатга муносиб бўлмаган рақибга меҳрибонлиги, унга муҳаббат қўйганлиги, ҳақиқий ошиққа шафқатсизлиги, шунинг учун чин ошиқнинг алам ва рашқтан ёниши тасвир этилган. Уч анъанавий образ (ошиқ, маъшуқа, рақиб) Ошиқ образи (асосийси) доимо барча имкониятлардан махрум, бенаво, ожиз, содда, гўл, ақли паст, давоси йўқ қувғин. Уч гуруҳ ошиқона ғазали:

1. Юкак ахлоқий принципга асосланган самимий, пок ишқ тўғуси.
2. Сохта ишқ, ўткинчи ҳиссиёт, нопок эҳтирос тўғрисидаги ғазал.
3. Ишқи илоҳийга бағишлаган ғазаллар.

Орифона ғазаллар. Етакчи мавзуси–фалсафий масалалар. «Мазмуни вужуд бутунлиги (тангри) бўлиб, тасаввуфнинг маънавий таянчини ташкил этади. Образлари, йўналиши бошқа оқимлардан бошқача. Обид (художўй эркак) ва маъбуд, косид (хабарчи) ва мақсуд (мақсад – мурод), нозир (назоратчи, вазир) ва мандур (макул), холик

ва махлук, маст ва махмур (маст, кайф) шох ва дастур, фоний (ўткинчи) ва боқий одам ва олам, Мусо ва Фиръавн, Зоҳир (сиртки) ва ботин (ички) зарра (кичик) ва офтоб ва ҳоказолар орифона лирикани чуқур озиқлантириб туради» (М.Шайхзода. Ғазал мулкининг султони).

Орифона ғазал тасаввуф ва офтоб фалсафаси билан боғлиқ.

Тасаввуф фалсафасида уч асосий йўналиш: важҳ (мистицизм – илоҳият олами билан алоқа), зуҳд (аскетизм) ва вужудия (пантеизм).

Пантеизм таълимоти обектив борликни илоҳилаштиради. Барча орифона ғазалларнинг тили ошиқона, тили анча оғир, образлар анча мавҳумрок.

Риндона ғазаллар. Ҳаётга, муҳаббат, шодлик, бахт саодатга интилиш, бадбинлик (бирова ёмонлик) ва таркидунёчилик майллариға қарши нафрат, шайх ва заҳидларни фаш қилиш, зулумға қарши норозилик ва исёнкорлик риндона ғазалларнинг мазмунини ташкил этади. Ринд образи «майи ваҳдат» («ягона – илоҳий май»). Мавзуидаги тасаввуфона ғазаллардан, шундай майға интилишни ҳаётнинг бош мақсади қилиб қўйган шайхлардан, улардаги «аёл» (ишратпараст) образидан тубдан фарқ қилади. Яна шуни ҳисобға олиш керакки, Навоий майхурлик ва майшатбозликни қаттиқ қоралар эди. Май мавзуси, май образи прогрессив шоирлар ижодида муҳитнинг беманиликларидан, бир зум бўлсада ором олиш (бу ором олишда норозилик кайфияти ҳам бор), таскин топиш воситаси сифатида ҳам ифодааланган (Н.Маллаев).

Ҳажвий ғазаллар. «Кулгу, йўқ этувчи энг қудратли қуроллардандир» (А.Герцен). Ю.Х.Ҳожиб, А.Югнакий элемент ҳолида, кейин Лутфий, Юсуф Амирий, Яқиний асарларида ҳажв алоҳида образлар, эпизодлар воситасида намоён бўлади. Атоийи ошиқни «кўзи тўймас гадо» дейди. Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳажвий ғазал чинаккам ихтироси Навоийдир. Тематикаси ранг-баранг, мунофиқ ва хийлакор шайхлар, худбин зоҳидлар, жоҳил воизлар устидан кулади, фаш этади. Хусусияти – реалистик тенденция. Турди, Махмур, Мунис, Оғаҳий, Муқимий, Завқий.

Ақлоқий – таълимий ғазаллар. Ёш авлод тарбияси. Ҳар бир синфнинг ўз ахлоқ системаси бўлгани, турли даврларнинг ўз ахлоқ принципи бўлган меҳнаткаш халқ-халоллик, ростгуйлик, меҳнатсеварлик, илм ҳунарға интилиши, дўстға садоқат, ҳурмат, шафқат, ватанпарварлик, худбинларға нафрат каби энг олижаноб ҳислатларни улуғлаб келди.

Пейзаж ғазаллари. Анча кенг тарқалан табиат, бепоён қир - адирлар, дала –боғлар, юлдуз тўла осмон, қорли тоғлар, булоқ ва дарёлар, яшил водийлар тасвири ва унга лирик қаҳрамоннинг оташин муҳаббатини ифода этувчи ғазаллар. Ватанға муҳаббат М.Қошғарий «Девону луғатит турк» , «Рабғузий» қиссаси табиат тасвири анча қисмларини ташкил этган. Сайфи Саройи, Атоий, Саккокий, Годойи, Лутвийларда лавҳалар учратамиз. Табиат маҳбуба тасвири учун муқояса предмети ёки фон бўлган.

Навоий ғазалларида пейзаж ғазаллари салмоқли ўрин олди, такомиллашди.

Публицистик ғазаллар. Энг таъсирчан, энг жанговор поэзия туридир. У ўзининг оташинлиги, ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради. Навоий публицистик ғазалларнинг энг яхши намуналарни яратди. Ижтимоий –сиёсий масалаларға ўз муносабатини билдирди. Мунис «сўз», «шуаро», Оғаҳий «Рамазон», Фурхат, Муқимий, Завқий, Аваз, Нодим, Ҳамза, Айний, Авлоний (XIX ярми XX боши) энг етук публицистик шоирлар.

Ўзбек комедиялари Саид Алиев Т. 1997.

Режа:

I. Кириш

II. Кулги –фарс жанри

III. Ҳажвий комедиялар

IV. Юмористик комедиялар.

Таянч тушунча

Ўзбек драматургияси, «Майсаранинг иши», «Юрак сирлари», «Табутдан товуш», «Тошбола ошиқ», «Парвона», «Келинлар кузғолони», «Темир хотин» - комедиялари.

Сатира ва юморнинг фарқи нимада?

Сатирада ҳам юморда ҳам асосий восита кулгидир. Сатира аччиқ, фош қилувчи, ер билан яқсон қилувчи, масхараловчи, заҳарли кулги.

Юмор енгил, дўстона, табассумли, ҳазиломуз кулги. Юмор инглизга фель – атвор ва лотинча суюқлик сўзидан олинган. Одамларда 4 мижоз (темперамент) бор: ҳўл, иссиқ, куруқ ва совуқ. Сатира ва Юмор орасида диалектик алоқа бор. XX асрда Сатира ва Юмор фарқи, объекти, эстетик моҳияти ҳақида тадқиқотлар олиб борилади: Ўзбек адабиётшунослари: Ҳ.Абдусаматов, А.Абдуғафуров, Н.Раҳимов, Р.Муқимов, Ҳ. Раззоқов.

Ўзбек драматургиясининг 1. асари Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси бўлса, комедия – сатиранинг ҳам 1. муаллифи У, «Тухматчилар жозоси (1918)», «кулги сатира қуроли» - сатирашунос Д.Николаев.

Сатирик конфликтли сюжетлар икки типда бўлади (Д.Николаев): 1) салбийперсонажларнинг ўзаро конфликтга асосланган сюжетлар. Бундай асарларда сатирик персонажлар ҳам ўзларсени, ҳам бир – бировларини фош қилишади. М/с «Ревизор» да

Салбий ва ижобий персонажларнинг бир-бирига қарши қўйилишига асосланган конфликтли сюжетлар. М/с «Майсаранинг иши» сюжет. Бу типдаги конфликтли сюжетда биринчи тилдаги салбий персонажлар ҳам ўзларини, ҳам бир – бировларини фош қилишади. Шу билан бирга салбий қаҳрамонларни фош қилишда ижобий персонажлардан ҳам фойдаланилади. «Тобутдан товуш» комедиясида Қори, Сухсуров, Нетайхон ва Юсуфлар бир – бирларини ва ўз башараларини очиб кўрсатадилар. Шу билан бирга, милиуия калитани Наврўзов, Обиджон, Ҳожар Каби ижобий персонажлар суҳсуров ва унинг тарафдорларини фош қилишади.

Комедия – драматик турнинг бир жанри (жинси) бўлиб, шахслар ва уларнинг муҳитидаги ҳодисаларини кулгили руҳда акс эттирадиган сахна асаридир. Комедия – юнонча қувноқ оломон дегсн.

Комедия сюжетини ҳаракатчи келтирувчи воситалар:

1) Конфликт ёки коллизия 2)Интрига. Адабиётшунос – олим Бердиали Имомов:

Интрига – фитна, иғво, хийланайранг каби ўзбекга эквивалентлари, хийла – найранг каби ўзбекга эквивалентлари («Ҳаёт ва драматик конфликт» Т.1968й).

Биринчи ўзбек комедияларини а.Авлоний ва Ҳамза яратганлар. А.авлоний «Адвокатлик осонми?» 1914; Ҳамза «Мулла Нормурҳаммад домланинг куфр хатоси» 1915. Ҳамза биринчи бўлиб «Комедия» атамасини қўллаган. Ўнинг «Муҳторият ёки автономия» комедияси (1917) «Тухматчилар жазоси» - халқнинг сеvimли асарларидан. – пьеса. «Мени сайланг» - кулгифарс жанрига мансуб. А.Фитрат «Рўзалар» пьесаси ҳам йўқ эмас. Бош қҳрамони Эшон Эр – Боқи, хотини – Шариф К.Яшин «Тенг тенги билан» (1930) – Сурма, Теша (пьеса)

Ўзбек комедиялари

Ҳажвий комедиялар

Ўзбек комедияграфиясида юзага кўринган ҳажвий (сатирик) комедия бу Ҳамзанинг «Бурунги», «Қозилар»ёки «Майсаранинг иши» 1926 й Водилда ёзган пьеса «Тухматчилар жозоси» ва «Бурунги қазилар ёки «Майсаранинг иши» орасида ғоявий мавзуи ва ижодий ниятда муштараклик бор: ҳар иккаласида марказида оқила, покиза, тадбиркор ўзбек аёли туради, ўзларини дин – шариат ҳомийлари деб ҳисоблайдиган

имом домла, қози, аълам ва муфтиларнинг риёкорлиги масҳара қилинади. Қошқа жаидлар қатори Хамза ислоҳ йўлидан борди. XIX асрга мурожат қилишди. Бу ҳажвий комедияда шариат «Ҳомийси» қози, унинг қўл остидаги Аълам ва қозининг ўғли Хидоятхон фош қилинади. Мулла Дўст – чироқпоя, мулла Рўзиаълам Ҳож кетаётиб Чупоннинг отаси 20 тиллани Қозига топширди тилхат беради қози олиб қолдим деб. У қайтмагач улар алдайди, тилхатни ўзгартиб ёзади.

Майсара – дона, тадбирли ўзбек аёли типи, виждони пок аёл. Сюжет халқ эртакларидан олинган. Хамза зур маҳорат билан яратган комик характер мулла Дўст – насриддин Афандини эслатади. Тўғри, содда ишонувчан хизматкор. Узоқ йиллар уйлантирамиз деб қози ва Мулла Рўзи алдаб келди. У. Энди ишонмай қуётган унинг тилда заҳарканда, кесатиш. Бироқ майсара холини олиб берамиз дегни эшитган, умид билан ишай бошлайди, жонланади, хазилкаш хислати тирилади.

Х. комедия сюжетиға қизиқарли интрига (найранг) киритади. Улар ҳам купчилик, ҳ. Характерини муносиб воситаси.

Ҳамзадан кейин энг яхши комедиялар ёзган ижодкор Абдулла Қаҳҳордир – И. комедия мерос қол- «Шоҳи сузан» ва «Аяжонларим» - юмористик комедия ва «оғриқтимлар» ва «Тобутдан товуш» - ҳажвий комедиялар Абдулла Қоҳҳор ижодининг зукко ва атоҳли тадқиқотчиси Матёқуб Қўшжонов ўзининг «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» монографиясида ёзувчини ҳикояларини кенг ва чуқур таҳлил қилади. «Абдулла Қаҳҳор драматург» - боб. «Оғриқ тишлар» (1954) – ўткир конфликтли. Ғояси, с----- чизиғи, характерлари ҳаётдан олинган. Асосий масала-сўздагина тенглик тарафдори, амалда хотин қизларга бой феодалларга муносабатда бўладиган, уларни хўрлайдиганларни қулоғидан тортиб сахнага олиб чкиб устидан кулиш, «Оғриқ тишлари»ни омбур билан суғириб, жағларни азобдан кутқазиш. Конфликт иккиюзламали зиёлилар Аҳаджон Заргаров, марасул Ҳузуржон, Хуморхон билан улар домига тушган Насиба, Зухра орасида юз беради. Улар жамиятнинг оғриқ тишларн, уларни сўғириб ташланса тинчийди.

«Тобутдан товуш» - порахўрлик ҳақида комедия. Парахур ва биорократ раҳбар типини яратди. Бош образ – Сухсуrow Юсуф ва Шобарот Сухсуrowга пора беради. Юсуф ҳалол меҳнат қилмайди, дангаса, ишёқмас, пиониста, мутахҳам, жанжалчи. Шобарот – бошига зўр кулфат тушган одам. Жиноят қилган акасини қамокдан қутқариш учун пул беради.

Қори – мунофиқ рухоний образи. Нетайхон Сухсуrow худбин, техинкўр. Пьеса охирида С пиора билан қўлга тушади. О шарафидд: «Ғазабли қахқоҳа – тақриз. Асарда ҳалол меҳнат билан кун кўраётганобразлари: Обиджон, Каврўзов, Ҳожар, Чол.

С.Аҳмад: «А.Қаҳҳор сатираси аеваз оловли сатира. Рамз Бобожоннинг «Тоға ва жиянлар» 91959) комедияси. Адабиётшунос Турсун Собиров «Замонавийлик ва ўзбек драматургияси» - Шарқ юулдузи ж. 1963, 9 – сон; «Давр ва драма», 1975. Шухрат – комедиянавис, шоир, дoston ва романлар ёзган.

« Беш кунлик куёв» (1969) комедия ёзган. Шараф Бошбековнинг «Темир хотин» комедияси «Эшик Қокан ким бўлди?» тўплашда (1989) босилди. Рамзий темир хотин (Аломат) тимсоли отрофида бутун воқеа ривожланади. Олим пахта терадиган одам ясайди ва қишлоқда синаб кўрмоқчи бўлади. Асар жанр жиҳатидан ҳажвий (сатирал) комедия.

Кулгининг фош қилувчи кучи ўзбек деҳқонининг аянчли аҳволга тушувининг сабаби – пахта яккахоқиялигига олиб келган ижтимоий иқтисодий тузуини фош қилишга қаратилган.

Ҳаётий характер – тракторчи Қўчқор, суяги моҳиятда қотган, содда ҳолол, очик кўнгил, ишонувчан – тўғрисўз, Қумри унинг хотини эрига муносиб, камтар, камсуқум соддалиқ, моҳияткашлик ўзининг реалистик аксини толган. Олимжон яратган Аломатни ўзига ниқоҳ қилиб олмоқчи.

Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Мени айтти деманг» (1975) сатирик комедияси уша йиллар энг аянчли иллатлардан бўлган бюрократизм ва унга боғлиқ нуқсонлар устидан кулишга қаратилган. Масъулиятдан ўзини олиб қочиш, худбинлик, иккиюзламачилик, шахсий ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳасида тармоқ ёйган пайтда ҳар қандай ижобий ташаббус, ижодий меҳнат қўллаб – қувватланмас эди. Монтёр Али, Баш – орат Алининг хотини, милиционер, Юсупов Назира, бева.

Юмористик комедиялар.

Уйғун «Қалтис ҳазил» (1944) – юмористик жанр намунаси Қамбар ота, хотини ойниснинг ойнакка қараб ясантусан қилишини ёқтирмайди. Содда ва туғри кишилардаги – қаришлик хислатлар заминида туғиладиган конфликт А.Қаҳҳор «янги ер» (1949) комедия ёзди. У ном қуйишади мажозлардан (кўчимлардан, кўчма маъно англатувчи қуймасўз ё иборалардан) кенг фойдаланади.

«Аяжонларим» (1967) юмористик комедиясида тиббиёт институтини битириб қишлоққа ишга бораётган Каримжон ва Умидалар орқали замоннинг илғор ёшлари типиклаштирилади. Улар бир – биричи севинади, лекин онаал Бўстонбуви қўшни қиз Хайрига уйлантирмоқчи комедия мана шу севг кексалар амри ўртасидаги конфликт асосига қурилган.

Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» (1969) юмористик комедияси. Хасислик, пулларастилик, худбинлик, юлғичлик каби иллатлардан кулинади. Заргар Сандмалик ва хотини мол – дунёга муккасидан кетган. Дўкон қоровули Мумин ва қўшниси, ямоқчи Абдусолом қуда бўлишмоқчи. Ҳовлини кенгайтириш учун деворни бузади ва ота – боболари кўлиб кетган хумча топилади. Олтинларни бўлиб олиш учун тортишади – ана шу тортишувга катта ўрин.

Саид Аҳмад – ҳажвчи ёзувчининг «Келинлар қузғолони» (1976) комедияси. Асар қурилмаси (композицияси) деган марказий ўрин – Фармонбиби образи ўзбек комедиянависли катта ютуғи. Фармонбиби ўктам – ҳалол – покиза, фарзандга меҳрибон қаттиққўл, она – қайноналарнинг оёқ ости қилинишга қарши чиқади. Энг қимматли қадрият – шарм – ҳаёни ҳимоя қилмоқчи. Кейин ижодий илҳомланиб «Фармонбиби аразлади» ни ёзди, сўнг «Куёв (1986) комедиясини ёзди – кексайганда жуфтидан айрилган кишиларнинг маҳрам (ҳамхона) га муҳтож бўлиб қолишуви муаммога бағишланган.

Узейир Ҳожибеков – озарбайжон. XX аср 10 йил «Аршин мол – олон» юмористик мусиқали комедиясида Султонбек ва Асқарнинг ҳоласи орқали ўз қарашларини акс эттирган. Султонбек фикрига, муносиб бева аёл топилса бўлгани, «Бир калла қанд, уч сўм пул, бир мулла вассалом» - никоҳ ўқилиб ёлғизлик кулфатидан қутилиш мумкин.

20 йилнинг иккинчи ярми, 30 йилнинг бошида ўзбек театри ҳаваскорлик босқичида ўсиб, мутахассис театр сифатида шаклланди.

Ишда ўзбек комедияларини жанр жиҳатидан таснир қилиш ва таҳлил қилишга ўриндик.

Ишда диққатга созовор бўлган комедиялар, уларнинг фазилят ва нуқсонлари, Ўзбек драматургияси ўрни ва ақамияти очилади.

5A141102 – Ўзбек адабиёти магистратура мутахассислиги учун «Адабиёт ва фольклор» фанидан якуний назорат саволлари.

Мажмуаси:

1. «Адабиёт ва фольклор» фанининг мақсади ва вазифалари?
2. Ўзбек мумтоз ёзма адабиётига фольклорнинг таъсирини сўзланг?
3. Юсуф Хос Ҳожиб асарларида фольклор анъаналари?
4. Ёзма адабиёт ва фольклорнинг ўзига хос хусусиятлари?
5. Фолклорнинг ёзма адабиётга таъсири қандай?
6. Фолклорнинг ёзма адабиётга таъсири ҳақида нима дейсиз?
7. А.Навоий асарида фольклор анъаналари?
8. Н.Рабғузий ижоди ва халқ оғзаки ижоди?
9. Оғоҳий шеъриятида фольклордан фойдаланиш?
10. Фольклор ва халқ оғзаки термини?
11. Ёзма адабиёт ва фольклор асарлари орасидаги фарқи?
12. Халқ оғзаки ижоди намуналарининг ёзма адабиётга таъсири?
13. Маълум бир шоир ижодига фольклор қай даражада таъсир этганини гапиринг?
14. Гулхоний асарларида фольклор анъаналарининг ўрни?
15. Муқимий ижодида халқ оғзаки ижоди жанрлари?
16. Мумтоз шоирларнинг фольклор анъаналаридан фойдаланишдаги маҳорати?
17. Адабиётнинг фольклор зминида шаклланганлиги?
18. Фольклор ва халқ фалсафий қарашлар?
19. Халқ ижодида эзгулик, адолат ва ҳақиқат тантанаси?
20. Мардлик ва фидокорлик, ҳиммат ва олийжоноблик ғоялари?
21. Фольклорнинг ёзма адабиётга таъсирининг тарихий босқичлари?
22. Энг қадимги даврдан XIIасргача ёзма адабиётга фольклор таъсири?
23. Ёзма адабиётида туркий халқлар фольклоридан фойдаланиш?
24. «Минг бир кеча» асарининг ўзбек адабиётига таъсири?
25. XVаср мумтоз адабиёти ва фольклор алоқалари?
26. XVI–XVIII асрлар адабиётида фольклор анъаналари?
27. XIX аср адабиётида фольклордан таъсирланиши?
28. Адабиётшуносликда адабиёт ва фольклор масаласи?
29. Тарихий воқелик ва халқ оғзаки ижоди?
30. «Тумарис» ва «Широқ» афсонаси талқини?
31. Афсона – Тарих ва ёзма адабиёт?
32. «Авесто» ва «фольклор»?

33. Аҳмад Яссавий ҳикматларидаги халқона оҳанг?
34. «Мухаббатнома» га фольклорнинг баъсири?
35. Атоийнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланиши?
36. «Ўрхун – Энасой» ёдгорликларида фольклор?
37. «Қутадғу билиг» да фольклор мотивлари?
38. Лутфий ижодида фольклор анъаналари?
39. Шоир ғозалларида мақол, матал ва халқ қарашлари?
40. Лутфий фольклоридан фойдаланишдаги моҳияти?
41. З.Бобур ижодининг халқчиллиги?
42. Навоий шеъриятига фольклор таъсири?
43. Турда Фароғий ва фольклор?
44. Фольклорга хос анъанавийлик дегани нима?
45. Кўп нусхалилик ва версиялилик?
46. Фольклорда анонимлик хусусияти?
47. Адабиётда қадимги миф ва афсоналар?
48. Адабиёт ва Қадимги қаҳрамонлик эпослари?
49. Қадимги қўшиқлар ва уларнинг турлари?
50. Қадимги мифлар ҳақида маълумот беринг?
51. Афсоналарнинг адабиётда ўрин олиши ҳодисаси?
52. Адабиёт ва энг қадимги оғзаки адабиёт ёдгорликлари?
53. Ўрта Осиё – қадимги маданият бешикларидан бири?
54. «Девону лугат турк» асарида фольклор?
55. Адабиётда фольклор жанрлари масаласи?
56. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари?
57. Мақол ва унинг жанр хусусияти ҳақида?
58. Анъана деганда нимани тушунасиз?
59. анъананинг қандай турлари бор?
60. Ўзбек адабиётида қайси даврларда фольклор таъсири катта бўлди?
61. Бадиий асарда фольклор анъаналари и-----?
62. сиз қандай асарда фольклордан фойдаланиш муаммосини биласиз?
63. Адабиёт ва фольклор алоқалари деганда нимани тушинасиз?
64. Адабиётда ва фольклор анъаналари тушунчаси?
65. Халқ оғзаки ижоди жанрлари ва адабиёт?
66. Адабиёт ва фольклор фанининг спецификаси нимада?
67. Адабиётнинг спецификаси нимада?
68. Фольклорнинг спецификаси нимада?
69. Шарқ мамлакатларида фольклор анъаналари қандай шаклда?
70. Адабиёт ва фольклор ҳақида қандай тадқиқотлар яратилган?
71. Адабиёт ва фольклор фанининг асослари ким?
72. Навоий ва унинг салафлари ижодларида фольклор?
73. «Ҳайратул – аброр» достонининг ўзига хослиги?
74. Адабиёт ва фольклор қарамларида қандай ўзгаришлар бор?
75. Бугунги кунда адабиётда фольклордан кенг фойдаланилиши?
76. Сиз адабиёт ва фольклор ҳақида яна нималарни биласиз?
77. Адабиёт ва фольклор фанидай фанлар билан боғлиқ?
78. Адабиёт дегани нима?
79. Нима учун адабиётда фольклордан фойдаланилади?
80. Сиз ёқтирган қайси асарда фольклор таъсирини кўзатгансиз?
81. «Фарҳод ва Ширин» достонлари ва фольклорлари?
82. Навоий достонларига «Минг бир кеча» нинг таъсири?
83. Атоий шеърияти ва адабиёт аҳли?

84. Лутфийнинг адабиёт мероси ва фольклор?
85. Анъанавий фольклорнинг жонли ижроси?
86. Ўзбек халқ ижодининг қадимий ижодчилик жараёни деган нима?
87. Лирик ва сатирик кўшиқлардан фойдаланилиши?
88. Яратувчилик ва Ижрочилик жараёни дегани нима?
89. Боҳром ва Дилоромда эртаққа хос хусусиятлар?
90. Адабиётда қандай поэтик жанрлардан фойдаланилади?
91. А.Навоийнинг халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлганлиги?
92. Бобурнинг илмий – адабий меросида фольклор ўрни?
93. Турди Фароғий шеъриятида халқчиллик хусусиятлари?
94. Машраб шеърларидаги халқона услуб?
95. бобур ижодида халқона ифодалар?
96. «Зарбулмасал» асари ва фольклор?
97. Мақол ва унинг жанр хусусияти ҳақида?
98. Анъана деганда нимани тушунасиз?
99. Анъананинг қандай турлари бор?
100. Ўзбек адабиётида қайси даврларда фольклор таъсири катта бўлди?

Тузган:

И.Дильманов

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи.

А.Қодирий адабиётдаги ҳукмрон одатдан воз кечди. Реалистик романга асос солди. «Айишни нодон сураб, кулфатни доно тортар». Ўзбек ойим (типик образ) – Отабекнинг онаси, Офтоб ойим – Кумушнинг онаси, Хушрўйбиби – Зайнабнинг опаси (унга маслахат беради), Ҳасанали – (эстетик идеал – бир – бирига меҳр – оқибат) кул, чўри, Ойбалдоқ – Ҳасаналининг хотини, Тўйбека – Офтоб ойимнинг чўриси, Ойбалдоқ – ўзбек ойимнинг чўриси.

Юсуфбек – Тошкент беклигида маслахатчи, доно.

Отабекка раҳна салувчи малъунлар: Ҳамид, Содик, Мутал. Бухоро, Хева, Қўқонд. Худоёрхон – 14 – 15 ёшда тахтга ўтиради, Мусулманкул (бош вазир), ундан фойдаланади, кипчоқликларни тўплайди, уруштиради, охирида қатл этилади; Азизбекка қарши исён. Реализм – романнинг бош омили. Адолат, инсонпарвар опа ватанга муҳаббат, халқлар тотувлиги, келажак ҳақидаги уйлар, озодлик, табақалар уртасида тенглик 20-30 йил меҳнаткаш халқ бойнинг уйига ўт қуювчи, мол – мулкни тортиб олувчи, бир ёввий сифатида тасвирланиб турган залода, «юқори» (бой) табақа фақат худбин тарзида тасвирлаш қонунлаштирилган бир вазиятда Қ. бошқага йўл тутди. Табақа вакилларида ижобийсини ҳам салбийсини ҳам топди.

- 1) Романнинг бадиийлиги – миллий рух (ўзбек) – урф–одати (ички дунё – аёллар образи, ташқарига чиқмайди), ташқи дунё – ижтимоий ҳаёт.
- 2) Умуминсоний қадриятлар, муаммолар синчиқлаб ўқилса романнинг бош – мақсади: Халқ ҳаётини тасвирлаш, ҳақиқат (реализм) – масалан: қахрамонлар (Отабек) оддий инсонларга хос зиддиятлар: ожизликлар каби фазилятлар, ғамга ботиш, ўзини йўқотиш, юпатишга, унутишга, ўринишлари

Танқидчилар: романда «оддий меҳнаткашлар» кўрсатилмаган дегани нотўғри. Зиё шохичи бой савдогар – Зайнабни отасининг уйига Ҳасаналини совчиликка бирга олиб бориши, уста Алим – ҳунарманд, тўқувчи.

Тарихийлиги нимада? Дунёга номойиш этилган «ичкари»?

Бадиийлиги? Неча р. 20 йилдан то 90 йилгача ўзининг ҳақиқий баҳосини олмай келди? ижобий қахрамонлар? Қора кучлар. Ўзбек халқининг ўтмишдаги қатор тарихий воқеяларининг жонли бадиий ифодасидир.

Инқилобий тўнтарилишининг дастлабки йиллариданоқ ишлай бошлаган, 1922 йил парчалар, 1925 йил бўлимлари ва 1926 йили эса бутун китоб ҳолида босилди. Демак,

1917 -1918 йиллар ёзувчи учун қувончли, шу билан бирга олам – изтиробга тўла йиллар бўлади. Бу ҳол романда акс садо бермаслиги мумкинми? Романда ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабат?

Роман мавзуси этиб сўнгги хон замонларини-ХІХ аср ўрталарини, 14 ёшли Худоёрнинг биринчи бор тахтга ўтириши даврини этиб белгилаган.

Бадиий тимсоллар: Юсуфбек хожи, Отабек; Тарихий шахслар: Худоёрхон, Азизбек, Нормухаммад, даҳшатли, маккор-рус истибдоди ўлкани аждаҳодай ўз қомига тортган давр. Халқимиз бошига тушган энг совуқ, қоронгу тунлар (Бухоро хонлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги қонли тўқнашувлар).

Юсуф хожи: «Сиз кипчоққа қилич кўтарганда, ўрус бизга қабр қазмоқда. Бу фикрдан қайтинг, биродарлар!». Юсуфбек хожи Ватан, халқ манфаати, истиқболи учун қайғуради, ўзаро низолар, қонли тўқнашувларнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатади. А.Қодирий бу образ яратишда қандай асарлардан хабардор бўлгани кўринади? Асар қандай қабул қилинди? Шўро ҳукумати уни нохуш қабул қилди, чунки чор Россиянинг мустамлакачилик сиёсати ҳақида фикр айтиш хавфли эди. Михаил Шөвердин 1928 йил танқидий мақолада (Биринчи ўзбек романи) романни «зарарли» деб баҳолаган эди ва муаллифга ноўрин айблар қўйишга замин яратди.

Отабек характери, ички ва ташқи дунёси. Отабек ва Кумушбиби ўртасидаги ёниқ муҳаббат (Лайли ва Мажнун, Тохир ва Зухра каби). Отабек сиёсий қарашлари қандай ифодаланади? Марғилоннинг катта бойлари, савдогарлари билан суҳбатда: хонлик тузумининг яроқсизлиги, уни тубдан ислоҳ қилиш кераклигини айтади. Дарвоқе, Отабек билан Кумуш учрашиши? Бир неча сониядаги учрашув бир умрли муҳаббатга дебоча. Бу муҳаббатни Хомиднинг қабих иғволари – ю, Мусулмонқулнинг мудҳиш чангали ҳам маҳв эта олмайди.

Янги тугун – бу ота – она орзуси. Бу зиддият Ўзбек ойим характери билан боғлиқ, «энг жонли ва реалистик чизиклар – шахс». Бу ишонтириш саънати ёзувчидан катта маҳоратни талаб қилади. А.Қодирий халқ руҳияти, урф – одатлари – менталитетини юксак даражада билади ва қадрлайди. Юсуфбек ҳожининг икки ўт орасида романида қолиши: бир томондан она орзуси, унга қарши боролмаслиги, иккинчиси Отабекни кўндириш, бундан ҳам нозик масала – қудаларга етказиши. Асарда ота ва ўғил муносабатлари (ибрат олса арзийди).

«Миллий уйғониш» «Ўткан кунлар»

«Ўтган кунлар» романида миллий руҳ нимада кўринади? Қаҳрамонлар ҳаракатида, нутқида (зуракилик, ясама йўқ): Қудаларни кутиб олиш, «Қудачилик – минг йиллик», кумуш уялиб салом бериши, бўйин эгиши, Кумушнинг манглайига текизган ўз қўлини ўпиши. Кумуш ва Зайнаб муносабатлари: майда деталарига эътибор берилган – кундошлар ўртасида бўлажак катта зиддиятларга тайёрлаши. Зайнаб руҳияти. Юсуфбек хожи чуқур ҳис қилади, Ўзбек ойимга:

«Сиз айниқса Зайнаб кўнглига қарашингиз керак.

Зайнаб – ўта фожей образ. «Эр хўрлади – эл хурлади. Зайнаб ҳам бахтли бўлишига ҳаққи бор эди – ку! Бу ҳақда ёзувчи муносабати сир сақланади.

Зайнаб яна нимадан маҳрум? – ўлимдан: фожианинг даҳшатидан жинни бўлиб қолди. Мажнуна ҳолда йиллар давомида Отабекни қабрисонда илҳоқ бўлиб кутади. Ахир, бир кунмас бир кун Кумуш қабрини зиёрат қилиш учун келади – ку! Зайнаб Кумушни ўлдирди – ёзувчи унга ҳамдардлигини яшира олмайди?

Роман пафоси кимда кўпроқ номоён? Юсуфбек хожи ҳаракатларида, сўзларда: юрт бирлиги, миллат тақдири ва озодлиги романни ҳаракатга келтирувчи пафосдир.

1956 йил А.Қодирий оқланди, лекин нашр қилинган романнинг баъзи боблари олиб ташланди. Чунки Россия босқинига бағишланган боблар шўролар мафқурасига бутунлай зид эди. Фақат мустақилликдан кейингина роман асл нусха асосида нашр қилинди.

Лирика

Лирик кечинма – Лирик қахрамон. Лирикада сюжет. Сўз лирика жанрлари.

Лирика асарининг мазмуни субъектнинг маънавий ҳаётини ташкил қилган ҳамма нарса. Лириканинг бош хислати субъективлик, шоир қалбида юз бурадиган кечинма, шу кечинма уйғотган сезгиларни воқе қилиш санъатидир.

Лирика – фикрдан туғилган сезги меваси–бир оний кайфиятнинг ҳосиласи бўлгани учун ҳам у қисқа, ларзадор бўлади.

Лирик кечинманинг таркиби? У икки элемент – фикр ва ҳисдан иборат, эхтиросли фикр ёки фикрий эхтирос деб аталади, негаки ички мағзидаги фикр «дилкаш» бўлиши учун у эхтиросларга ўраб берилиши керак.

В.Белинский: Сезги – жисмоний сезги бўлса, ҳис – фикрдан туғилган сезги. Асарда ҳис бор экан, фикр бўлиши муқаррар. Табиийки, ҳис теран бўлса, фикр ҳам теран бўлади ва аксинча, шоирнинг бошида туғилган фикр, унинг жисмига туртки бериб, ҳаяжонга солади, ўт ёқиб. Жамол Камол шунга таяниб: «Лирик кечинмада фикр ва ҳиссиёт қоришиқ яшайди. Улар бир – бирининг мағзига шундай сингиб кетадики, ажратишнинг иложи бўлмай қолади. Бу ажралмас бирлик – бутун лирик кечинманинг моҳиятини ташкил этади».

Лирик кечинма (кечинма – образ) ни Навоий «хос ҳол – нодир кечинма, ҳолат ва хос маъно – сара, ўткир фикрнинг чатишуvidан юзага келган» дейди. Шеър шунинг учун доимо мусиқийдир вазнлидир, ритмика, кофия, банд жиҳатдан уюшгандир. Доим самимий, доим таъсирдор, доим жозибадордир.

Лирик асар мазмуни автобиографик характерга эга ва айни пайтда ижтимоий аҳамият касб этади: м/с Зульфия «Не балoга этдинг мубтало» - ўзига тегишли ва шу каби аёлларга.

Лирик қахрамон – лирик асарларда кечинмалари тасвирланаётган киши, шоирнинг умумжамият учун қимматли ҳис ва фикрларини ташувчи шахсдир. У шоир шахси билан эстетик идеалнинг қўямасидир»

Лирик сюжет ўзига хос бўлади. Эпосдаги каби «воқеа силсиласи» тарзида эмас, оний руҳий ҳаракат (оний руҳий кечинма) тарихи – бошланиши, ривож, ҳулосаси билан ўлчанди. (сиқик ва оддий).

Лирика тили. Сўзлар поэзияда тартибига бўйсунди: кофия, вазн, банд, товуш такрор сўз т. инверсия, мусиқийлик, ритм, турoқ, мисра, ритмик пауза, прозада эса бундай тартиб йўқ.

Лирик жанрлар (И.Султон, ў. Тўйчиев, Н.Шукуров фикрлар кўп). Ў.Тўйчиев: 1) Шеършунос мазмун жиҳатидан:

а) эстетик белги, пафос ва муайян мазмун йўналишига асосланадиган жанрлар: марсия, элегия, инвектива, баҳс, касби ҳол, соқийнома, топишмоқ, қасида, муаммо, тарих, хат, манзара, монолог, бағишлов, васият, васф, дебоча, назира, фаҳрия.

б) асосан мусиқа асари ҳисобланса–да адабий матнга суянган жанрлар: роман, кантата марли, сюита, қўшиқ мадҳия.

в) оғзаки ва ёзма лирикада қўлланиб келинган жанрлар: алла, ёр – ёр.

2. шакл жиҳатидан:

а) шакл мазмундорлиги ва тузилишига кўра лирика жанрлари: айтишув, мустазод, сонет, мувашшаҳ мушоира, ширу шакар, қитъа, ғазал, туюк, рубоий, маснавий, фард, таркибанд, таржибанд, ўрама, шоирий, тирада, турли бандли жанрлар, оқ шеър, сарбаст.

б) мисра сони ва композициясига кўра лирика жанрлари: мусаллас, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, мутасса, муашшар, тўртлик, октава.

в) қайта ташкил топиш (трансформация) га кўра лирика жанрлари: қитъаи, кесишган, таронаий, рубоиёна.

Муҳаммад Юсуф (шоир билан неваря диалоги) «Бир куни»

Бир куни бир алвон замон келди.
Замон узра омон – омон бўлади
Ўн йилми, юз йилми ўтиб орадан,
Урушлар, низолар кетиб орадан.
Тўплар адирларда буғдой ўради,
Танклар далаларда пахта теради.

Миллатлар , элатлар,
Оқ тан, қора тан, ҳаммаси
Ҳазрати инсон бўлади.
Олам гулистон бўлади
Бир куни
Шоирлар – чи, бобо
Шоилар нима бўлади?
Шоирлар шодиликдан
Юраклари ёрилиб ўлади.

60 – 90 йиллар ўзбек адабиёти

Режа:

1. Бадиий ижоднинг ҳаётийлиги
2. Реализм ва принципларнинг чуқурлашуви
3. Адабий тараққиётнинг эволюцияси.

Таянч суз ва иборалар: тоталитаризм сиёсати, таъқиб қардош ва жаҳон адабиёти, қайта қуриш, истиқлол ва адабиёт, бадиий тафаккур.

60 – 90 йиллардаги ижтимоий – сиёсий, маънавий ва адабий ҳаёт манзараси: адабий тараққиётнинг асосий босқичлари, етакчи тенденциялари. Бу давр адабиёти ривож, даражаси, хусусиятлари ҳақидаги бахслар. Ижодий парвоз йўлидаги машаққатлар. Қайта қуриш, ошкоралик туфайли адабий тафаккурда бошланган уйғониш. Истиқлол ва адабиёт. Бадиий тафаккурнинг туб янгиланиш палласига кириши.

50 – йиллар ўрталарига келиб узоқ давом этган тоталитар тузумнинг хото адабий сиёсати, таъқиб ва қатағонлари танқидга учраб. Мамлакатда эркинлик шабадаси эса бошлади. Сталин вафотидан сўнг шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш, демократини кенгайтириш, қонунчиликни тиклаш йўлида дадил ишлар амалга оширилди. Маънавий ҳаётда зўравонлик, қаттиққўллик сиёсати юмшаб мусоффо иқлим қарор топган дек бўлди, эркин ижодий фикирлашга, ҳақиқатни ифодалашга бирмунча имкон яратилди, фан техникани ривожлантиришда, космосни забт этишда муваффақиятларга эришилди. Манавий – адабий ҳаётни соғламлаштириш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилди. А.Қодирий, Усмон Носир, Сўфизода, Чўлпон, Фитрат сингари шахсга сиғиниш, қирғин қурбони бўлган истеъдодларга қўйилган асоссиз айблар олиб бошланди. 40 йил охири 50 – йил бошларида қатағонга учраган И.Шайхзода, Шухрат, М.Исмаил, Шукурулло, Саидлар; Ойбек, А.Қаҳҳор, Миртемир каби улкан ёзувчилар, шоирларга қарши уюштирилган фитналар беҳуда гап сўзларга қисман гек қўйилди. Сўз санъатида, адабий тафаккурда жонланиш, янги бир уйғониш, кўтарилиш бошланди. Кекса бўғинга мансуб Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Уйғун, К.Яшин, Миртемир, М.Шайхзода, Зулфия Ғайрат билан ижодга киришдилар.

Адабий ҳаётдаги, адабиёт ривожигади шу каби ижобий ўзгаришлар, ҳаётбахш тендециялар 60 – йилнинг ўрталаридан айниқса 70 йилга келиб турли тўсиқларга дуч келди. Аввало, юқоридан бошланган сўнгина яхши ташаббуслар, қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетди, жамиятни демократлаштириш изчил давом эттирилмади натижада тараққиёт суръати кескин сусайиб қолди, иқтисодий – маънавий парокандалик кучая бориб, мамлакатда танглик вазиятини вужудга келтирди. Бу йиллар турғунлик даври деб ном олди. Бу даврда дабдабабозлик, ҳокимлиғни суистемол қилиш, давлат ва халқни алдаш, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, порахўрлик, шакиликбозлик, бефарқлик иллатлари авж олди. Рус тилининг алоҳида аҳамияти масаласи кенг тарғиб этилди халқнинг миллий маданий қодриятлари, удумлари аёқости қилина бошлади. Бу эса жамоатчилик орасида муайян норазилик кайфиятини туғдирди. Хуллас, 50 йил ўрталарида бошланган мамлакат ҳаётид, сиёсатда юз берган ижобий ўзгаришлар, барибир, тоталитар тузум ички зиддиятларига барҳам беролмади.

Турғунлик даври сиёсати, мафкураси сўз санъатига, адабий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Адабиёт ва санъат ишларига маъмурий – буйруқбозлик йўли билан аралашиб кўпгина кўнгилсиз оқибатларга олиб келди. Гўё «фукаро сифатида оқланган» Чўлпон, Фитрат сингари улкан адиблар асарларини чиқариш, ижодини холис, илмий ўрганиш ман этилди. Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида тўла ҳақиқатни руёбга чиқариш имкони бўлмади, янги ўзбек адабиётининг кўпгина намоёндалари, Ҳамза, Айний ҳаёти, ижоди комунистик мафкурага мослаштирилиб бирёқлама талқин этилди, ўтиши адабий мероси – Яссавий, Бобур, Ҳусайний, Амирий, Феруз каби сўз усталари ижоди инкор этилди.

Бу давр адабиётида бадий тасвир доирасини имкон қадар кенгайтиришга бўлган интилиш, шакл, услуб соҳасидаги изланишлар давом этди. Айниқса, шеърият бирмунч ранг –баранг тус бошлади. Унда мумтоз адабиётимизнинг ғазал, мухаммас, рубоий, туюқ каби шеърийшакллари ҳамда хилма – хил поэтик санъатларин, Ғарб шеъриятининг сонет, романс, элетия сингари жанрларини, япон шеъриятинингайрим жанрларини, халқ оғзаки ижоди усулларини, айниқса, бахшиёна йўлларни, бармоқ вазнининг ранг – баранг хижоладини, сарбаст ва оқ шеър шакллари кўриш мумкин.

Чин маънодаги риалистик, фалсафий, ўйчан – интеллектуал шеърият худди шу босқичда ўзлигини тўлароқ намоён этди.

Насрдги шаклий – услубий йўналиш – лирик – романтик ва изчан реалистик усуб муайян оқим даражасига етди. Айни пайтда Рамзий мушоҳазада асосига қурилган кўповозли (полифоник) тасвирга интилиш намуналари (О.Ёкубов романлари), хилма – хил шакл ва услублар синтездан иборат асарлар (А.Мухторнинг «Чинор», Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», Х.Тўхтабаевнинг «Сариқ девни миниб» асарлари) пайдо бўлди. Ҳаётни кенг планда тасвирловчи романлар («Юлдузли тунлар», «Влодлар давони») билан баробар турмушни шахс тафаккури призмасидан ўтказиб тасвирловчи интеллектуал романлар, воқеалар изидан боровчи асарлар билан баровар ўйхаёллар, тасаввурлар асосига қурилган мулоҳаза – тафаккур романлари ҳам яратила бошланди.

Драматургияда трагедия ва комедия жанрлари баъзи янги хусусиятлар билан бойиди. У Ш----- анъналари руҳида ёзилган «Мирзо Улуғбек» (М.Шайхзода) асари ўзбек адабиётида фитратнинг «Абдулфайзхон» фожиасидан кейинги бу жанрнинг энг токсик намунасидир. Заҳарли қақаҳа – иллатларни кескин фош этишига қаратилган «Тобутдан товуш» (А.Қаҳҳор) ва ҳаётбахш қувноқ юмор билан йўғрлаган «Келинлар қўзғолони» (С.Ахмад), «Олтин девор» (Э.Воҳидов) асарлари бу давр комедияси ранг баранг тус ола бошлаганида дололат беради.

Хуллас, 60-70, 80 йил бошларида ўзбек адабиёти кўп қийинчиликларга, зиддиятли жиҳатларига қарамай ўз тараққиётида янги босқичга кўтарилди.

80 йилларнинг ўрталарида советлар мамлакати ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Қайта қуриш, покланиш, ошқоралик, демократиялаштириш деб аталган жараён асносида

мамлакатдаги реал аҳвол, социалистик жамият босиб ўтган йўл атрофлича танқидий таҳлил қилинди, этила бошлади. Октябр тўнтариши, совет давлати, большевиклар раҳбарлари шахсияти, фаолиятига оид кўплаб янги тарихий хужжатлар эълон этилди, натижада шўролар тарихининг янгидан – янги ----- саҳифалар очилди, милёнлаб бегуноҳ одамларнинг жасади устига зўрлик билан қурилган «адолатли социалистик тузум» нинг асл маҳияти намаён бўлди. Жамият оғир бухрон ҳолатини бошидан кечираётганлиги, социалистик мафкура инқирозга юз тутган энди сир бўлмай қолди. Камунистик партия, советлар жамияти раҳбарияти ташаббус кўрсатиб жамиятни қайта қуриш, аҳволни яхшилаш, соғломлаштиришига ҳар қанча ўринмасин, барибир, тарихий жараёни тўхтата олмади, жамият инқироzi кундан кун чуқурлашиб, кескинлашиб борди. Қўрилган, «хайрли тадбирлар» купинча кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Масалан. Ўзбекистон жиноятшиликка қарши олиб борилган ҳаракат, «Ўзбекчилик» деб аталган мислизи ўзбошимчалик, қонунбузарлик, оммавий қатағон компаниясига айланиб кетди. Етмиш йил идора қилган большевиклар тузуми жаҳон халқлари кўзи олдида ичдан емирила бошлади. Қизил империя қўл остида кўплаб миллат ва элатлар олдида ўз тақдирини ўзлари белгилаш имкони туғилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўзининг мустақиллигини эълон қилди. 1. сентябр мустақиллик куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Бозор иқтисодига ўртишдек мураккаб бир жараёнда маънавият, адабиёт дунёсида катта ўзгариш, янгиланиш, жаҳоншумул ҳодисалар рўй бермоқда. Аввало, маданий меросга, адабиётимиз тарихига муносабат кескин ўзгарди. Реализм билан барабар деярли барча адабий тур, жанрларда диний, руҳоний – исломий талқин устувор асарлар кўпайиб бормоқда.